

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 25 декабрь • № 52 (1073)

2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Дақиқа соатга, соатлар кунга, кунлар эса ойларга айланиб, яна бир йил билан хайрлашмоқдамиз. Вақт тезкор, унинг мавжудлиги биз учун катта имконият. Агар унинг бирликларидан оқилона фойдалана билсак, умримизни эзгулик билан беазаган бўламиз.

Ҳа, она диёримизда тарих саҳифаларига битилаётган 2015 йилни миннатдор бўлиб кузатиш ва янги 2016 йилни шоду хуррамлик билан кутиб олиш тантаналари бошланиб кетди. Қаерга борманг, безатилган ва ял-ял ёниб турган арчани кўрасиз. Юртдошларимиз қалбида қувонч, юзида табассум, ҳамма бир-бирига эзгу тилак йўлайди, совға-салом улашади. Тинч, осойишта ва барқарор мамлакатимизга фақат байрамлар ярашади. Айниқса, мўъжизакор арча қаршисида Қорбобо ва Қорқиз билан ўйнашдан олам-олам завқ оладиган болажонларни кўрганда, қайси биримизнинг юрагимиз тўлқинланмайди?

Юртимизга ташриф буюраётган янги 2016 йилнинг соғлом онадан туғилувчи соғлом болага бағишланиши эса байрам шукўҳини ва унинг аҳамиятини яна бир қарра ошираётганлиги рост. Болажон халқимизнинг хоши-иродаси шундай: фарзандларимиз тўрт мучаси соғ-саломат дунёга келсин. Уни парваришлаб, улгайтирадиган, комил инсон қилиб тарбиялайдиган муҳтарам оналаримиз омон бўлсин.

Ўйнаб-ўйнаб, завққа тўлгин, болажон!



Табассумга буркансин дунё,
Қордек оппоқ бўлсин дилинги;
Бўлсин қордек, тоза мусаффо,
Кириб келган
ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ!

АЁЛИНИ, ФАРЗАНДИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЮРТ

Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг бахти, камолини ўйлаб, ҳамisha эзгу орзу-интилишлар билан яшайди, зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди.

Ислом **КАРИМОВ.**

Эътибор берсангиз, республикамиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ аҳоли саломатлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу албатта, ҳар бир йилнинг муҳим мақсад ва режаларга асосланишини кўрсатади. Масалан, “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Она ва болалар йили”, “Сиҳат ва саломатлик йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили”, “Мустаҳкам оила йили”, “Соғлом бола йили” ва ниҳоят 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бундан ташқари, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 1 августда қабул қилинган “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар,

болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқишда яна бир муҳим қадам бўлди. Дарҳақиқат, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир. Соғлом она, баркамол фарзанд нафақат ҳар бир оила, балки бутун бир жамиятнинг бетимсол бойлиғидир. Шу маънода 2016 йил аввалги йилларда бошланган хайрли ва савобли ишларнинг манتيқий, тадрижий давомидир, десак асло муболага бўлмайди.

Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида оналар ва болалар учун қулай шароит яратиш, оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос миллий модели яратилгани натижасида халқимизнинг ҳаёт даражаси яхшиланди.

Жумладан, истиқлол йилларида аёлларнинг умр кўриш давомийлиги 67 ёшдан 75 ёшга кўтарилгани, оналар ўлими 3,1, болалар ўлими эса 3,2 баробарга камайгани эътиборлидир.

Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Мазкур Дастурнинг аҳамиятига эътибор берсак, унда аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, тиббиётнинг бирламчи бўғини фаолиятини янада яхшилаш, жойларда оналик ва болалик муҳофазаси йўналишида иш олиб борувчи қатор ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология, педиатрия, скрининг ва перинатал марказлари, болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, болалар тиббиёт мусассалари ва туғуруқхона комплексларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар белгиланган бўлиб, салмоқли натижаларга эришилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг юқори малакали мутахассислари, тиббиёт олий ўқув юртларининг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан аёллар-



нинг туғиш ёши 20 дан 35 ёшгача бўлиши кераклиги, туғуруқ оралиғи энг камида 3-3,5 йилни ташкил қилиши зарурлиги хусусида етарли тушунчага эга бўлишлари, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, ўз саломатлиги ва туғилажак фарзандининг соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган хасталиклардан ўз вақтида фориғ бўлишга эътибор қаратишлари бўйича берилган тавсиялар аҳолининг тиббий маданиятини оширишда

катта роль ўйнади. Зеро, соғлом насл қолдиришни истасан ҳар бир инсон соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқдир. Халқимиз ва келажагимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом эттирилиб, қамрови тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир. Ҳозирги вақтда ижроси

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

АЁЛИНИ, ФАРЗАНДИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЮРТ



яқунига етказилиб, деярли тўла ҳажмда амалга оширилган юксак натижаларнинг аҳамияти ва кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди. Бугун мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республикамизнинг барча вилоятларида шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш ва хирургия, кардиология, урология, терапия, эндокринология, кўз микрохирургияси каби ўнлаб йўналишларга

(Давоми. Боши 1-бетда).

ихтисослаштирилган марказларни ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукамал ва ишончли тармоғи вуҷудга келди. Солиқни сақлаш соҳасида илғор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда беш погонадан иборат самарасиз, кўп харажат талаб қиладиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими – қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизмат

кўрсатувчи республика даволаш муассасаларига – барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишининг яхлит тизими яратилди.

Энг қувонарлиси, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган "Соғлом она – соғлом бола" Дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий марказлари ташкил этилди.

Бугунги кунда руҳан ва маънан етук, жисмонан соғлом ва бақувват авлодни воёга етказиш нақадар муҳим, шу билан бирга ниҳоятда масъулиятли вазифа эканлигини аҳоли тўла-тўқисанглаб этаётганлиги эътирофга лойиқдир. Булар шубҳасиз, "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли эл фарзандлари соғлом бўлур" деган ҳикматомуз иборага амал қилган ҳолда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада изчиллик билан амалга оширишга даъват этади. Шундагина биз оламда ҳеч кимдан кам бўлмаган улуг ва қудратли мамлакат, жамият ва миллатга айланамиз.

Тўрт мучаси соғ бола аввало,



соғлом она ва мустаҳкам оилада улғаяди. Ана шундан келиб чиқиб, давлат дастури доирасида соғлом она, бола ва оила муҳитини шакллантириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касаллик-

ларга чалинган ногирон болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида ҳаётда барчанинг соғлом турмуш тарзи-га риоя қилиши, барча никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтишлари муҳимдир.

Энг муҳими, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ҳаётбахш гоя ҳар бир фуқаронинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улуг ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим.

Искандар РАҲМОН,
Ўзбекистон журналистлари уюшмаси аъзоси.

Ҳайъат йиғилиши

ТАНКИДИЙ ЁНДАШУВ
ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Жорий йилнинг 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Адҳам Икрамов иштирок этди. Мазкур коллегия йиғилиши ҳудудлараро он-лайн тарзида ўтказилди.

Йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида ислохотлар жараёнида амалга оширилаётган фаолиятларга тўхталиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Юртбошимизнинг тиббиёт соҳасида эришилган ютуқлар ва истиқболдаги режалар хусусида билдирган фикрларига алоҳида урғу қаратди. Бунинг баробарида давлатимиз раҳбари томонидан 2016 йил – Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши тиббиёт ходимларига зиммасига янада катта масъулият юклаганлиги ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик эканлигини таъкидлади.

Кун тартибидан ўрин олган биринчи масала юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров "Ўзбекистон Республикаси тез тиббий ёрдам хизмати фаолияти тўғрисида маълумот" мавзусида маъруза қилди. Маърузачи давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги 2107-сонли Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинганлиги ҳамда стратегик аҳамиятга эга бу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш би-

лан бирга, унинг устувор йўналишлари изчил ва аниқ баён этилганлигига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, мазкур фармон билан республикада ягона шошилиш тиббий ёрдам тизими барпо этилганлиги ва айни кунда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоятлардаги филиаллари, шаҳар ва туман марказий шифоналарида 187 та тез тиббий ёрдам бўлими, 602 та тез тиббий ёрдам шахобчаси ташкил қилинганлиги ва уларда 1580 та тез тиббий ёрдам бригадаси аҳолига хизмат кўрсатиб келаётганлигини айтиб ўтди. Бунинг баробарида, Президентимизнинг 2011 йил 21 майдаги "Тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 1114-сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларга урғу берди. Ва мазкур йўналишдаги ижобий ишлар қаторида учраётган муаммо ва камчиликларга ҳам тўхталди. Бундан ташқари, маърузачи таҳлилий натижалар инобатга олинган ҳолда шошилиш ва тез тиббий ёрдам хизмати моддий-техник базасини дори воситалари ва тиббий асбоб-ускуналар ҳамда кадрлар билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, ушбу йўналиш хизматини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича қилинган тақлифларга алоҳида тўхталди.

Иккинчи масала юзасидан вазирликнинг Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Ўктам Исмоилов тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили, уларнинг сифат ва самара-

дорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтди. Маърузачи асосан, таълим тизимидаги кадрлар салоҳияти, олий маълумотли кадрлар, иқтидорли магистрлар ҳамда илмий йўналишда илмий педагог-кадрлар ва ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратди. Шунингдек, самарали фаолиятлар қаторида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам маърузачи эътиборидан қолмади. Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган бир қатор масалалар, жумладан, 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг асосий мақсад ва йўналишлари ҳақида Юртбошимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1652-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 мартдаги 91-сонли Қарорлари асосида 2012-2015 йилларда ҳудудда режалаштирилган оптималлаштиришнинг бажарилиш ҳолати, шунингдек, 2016-2018 йилларда ҳудуд ташкилий тузилмасини оптималлаштириш бўйича манзилли тақлифларга бағишланган мавзулар доирасида вазирликнинг мутасадди раҳбарлари ҳамда ҳудудлардаги масъул ходимлар маъруза қилдилар.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худаяров вазирлик ҳамда республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларига аҳоли томонидан келиб тушаётган муносабатлар хусусида алоҳида тўхталиб, бу борадаги фаолиятларга янада жиддий ёндашиш давр талаби эканлигини таъкидлади.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ибодат СОАТОВА.

БОЛАЛАР БЎЛИМИ
ЯНГИ БИНОДА

Бухоро вилояти Жондор тумани тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки чекка қишлоқ ва аҳоли пунктларида ҳам замонавий даволаш муассасалари барпо этилиб, малакали тиббиёт ходимлари ҳамда зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимининг янги биносида 800 миллион сўмликдан ортиқ реконструкция ишлари амалга оширилди. 50 ўринли бўлимда интенсив даволаш, она-бола хоналари ва бошқа бўлимлар "Саломатлик-3" лойиҳаси асосида замонавий жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Инвестиция дастурига мувофиқ, бирлашмада 2014 йилда давлат маблағлари ҳисобидан 104 ўринли туғруқхона комплексининг янги биноси фойдаланишга топширилган эди.

– Мамлакатимизда тиббиёт соҳасига қаратилган алоҳида эътибор туфайли шифонамиз моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда замонавий технологияларнинг қўлланилаётгани даволаш сифатини оширишга хизмат қилмоқда, – дейди **Жондор тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Алишер Саидов.** – Бунинг самарасида кейинги йилларда туманда оналар ўлими қайд этилмади.

Ў.А.

Обуна – 2016

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2016 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларининг тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Йилнома

ФАОЛИЯТЛАР САРҲИСОБИ: ТАҲЛИЛ, НАТИЖА ВА ХУЛОСА

Юртимизда ўтаётган йилни сарҳисоб, фаолиятни танқидий ва ижобий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, эришилган муваффақиятлар қаторида камчиликларни ўрганиш, бу борада мақсадли режалар тузиб, келгуси йил учун мустақам пойдевор яратиш аънанаси мавжуд. Ҳар йилнинг ўзига хос номда аталиши, бунинг замирида давлатимиз тараққиёти ва ривожланишининг муҳим асоси уйғун ётганлигини соғлиқни сақлаш тизими йўналишидаги кўпгина амалий ишлар негизида ҳам кузатишимиз мумкин. Ушбу йўналишда газетамиз саҳифаларида йилнинг энг муҳим воқеа ва янгиликлари чоп этиб келинмоқда. Шу маънода эътиборингизга йил давомида ўтказилган тадбирларнинг қисқача мазмун-моҳиятини ҳавола этамиз.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов Туркменистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Нурмухаммад Аманнепесов билан музокара чоғида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Юртбошимиз кириб келаётган 2016 йилга ном бериш масаласида тўхталиб шундай дедилар: «Маълумки, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб

авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимининг нафақат моддий-техник, балки ҳуқуқий базаси ҳам мустақамланганлиги, бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар амалдаги



аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг бахтини, камолини ўйлаб, ҳаммиса эзгу орзу-интилишлар билан яшайди, ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди» ёки «Соғлом бола соғлом ва ахил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади» деган кўп асрлик вақт синовидан ўтган сўзларни тилга олиб, бутун жамоатчиликка соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласи ҳар биримизнинг доимий устувор вазирамиз бўлишини таъкидлаб ўтдилар. Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом

14 та қонун билан тартибга солинганлиги диққатга сазовордир. Бу соҳада зарур ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасида улкан ишларни бажариш, хусусан Тошкент шаҳрида Жанубий Корея давлатининг беғараз ёрдами билан умумий қиймати 130 миллион 600 минг доллар бўлган кўп тармоқли замонавий болалар шифохонасининг қурилатганлиги йирик лойиҳа сифатида эътироф этилди. Бу мажмуа – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳудудида ягона бўлиб, тўртинчи ва энг юқори даражага эга ноёб тиббиёт масканининг яқин келгусида фойдаланишга топширилиши соғлом авлод тарбияси йўлида улкан қадам бўлиши таъкидланди.

1. 2015 йил январь ойининг илк ҳафтасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Маҳорат дарслари» тўғрисидаги 125-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг ҳудудларда маҳорат дарсларини ташкиллаштириш бўйича ижтимоий акция тадбирлари бўлиб ўтди.

2. Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Марказ 375 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда ўн тўртта бўлим ҳамда икки юз қатновга эга маслаҳат поликлиникаси фаолият юритмоқда. Юз нафар малакали шифокор, 255 нафар ўрта бўғин тиббиёт ходими аҳоли саломатлигини мустақамлаш йўлида меҳнат қилмоқда.

3. 2015 йилнинг 30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 16 январдаги Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда «Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида ўз фикрини баён қилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга қаратилган фармон ва қарорлари талаблари ижроси чуқур таҳлил қилинган 2014 йил «Соғлом бола йили» Давлат дастури юзасидан амалга оширилган ишлар якуни ва 2015 йилда тизимга доир амалга ошириладиган вазифалар ва чоратадбирлар вазирнинг маърузасида қайд этилган.

4. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиши заиф болаларда кохлеар имплантация операциясини ўтказиш йўлига қўйилган. Бундай нозик ва мураккаб операцияни амалга ошириш осон эмас. Чунки, очилган туғма ва орттирилган кулоқ, томоқ, бурун касалликлари бўлимида илк маротаба кохлеар имплантация операцияси ўтказилаётганлиги мамлакатимиз аҳолиси учун катта имконият ва қулайлик яратди. Жорий йилда ҳам мураккаб операция жараёнлари муваффақиятли амалга оширилди.

5. Республика онкология илмий маркази ходимлари Япония ҳукуматининг тиббиётни ривожлантириш бўйича ёнлон қилган махсус грантини қўлга киритдилар. Бунга кўра, Япониянинг «Fuji» ташкилоти билан ҳамкорликда ушбу грант лойиҳаси асосида энг замонавий рақамли маммография ускунаси Республика онкология илмий марказига тақдим этилди. Ушбу замонавий ускуна жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқларидан бири бўлиб, дунё

Тошкент шаҳрида Жанубий Корея давлатининг беғараз ёрдами билан умумий қиймати 130 миллион 600 минг доллар бўлган кўп тармоқли замонавий болалар шифохонаси қурилатганлиги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳудудида ягона бўлиб, тўртинчи ва энг юқори даражага эга ноёб тиббиёт масканининг яқин келгусида фойдаланишга топширилиши соғлом авлод тарбияси йўлида улкан қадам бўлиши шубҳасиздир.



миқёсида онкологик касалланган бўйича етакчи ўринни эгалловчи сут бези саратони касалликларини эрта ташхиллашда асосий ўринга эга.

6. 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Республика врачлар малакасини ошириш институтида мамлакатимиз соғ-

фиброскопия жамламаси билан берилди. Бундан ташқари, Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт фонди 2008-2012 йилларда академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия бўлимини юқори технологияли аппаратуралар билан жи-



лиқни сақлаш тизимида тез тиббий ёрдам йўналишида меҳнат қилаётган соҳа мутахассислари хизматларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга бағишланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт фонди ўртасида тузилган битимга асосан, фонд 2006-2009 йилларда юртимиздаги туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги 171 та шошилинч тиббий ёрдам бўлимини 25 турдаги замонавий тиббий асбобу ускуналар билан таъминлашни ўз зиммасига олган эди. Айни пайтда режалаштирилган ушбу янги технологиялар, жумладан, ИВЛ, анестезиология, УТД учун портатив аппарати, рентген, ЭКГ, гастрофиброскопия, дуоденофиброскопия ва бронхо-

хозлашда иштирок этди. Шунингдек, кардиохирургия бўлимини юқори технологиялар билан таъминлашда Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт фонди томонидан 12,96 миллион АҚШ доллари сарф қилинди.

8. 2015 йилнинг апрель ойидан бошлаб юртимизда «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларини тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, кўп тармоқли ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказлари, клиникалар, илмий-тадқиқот институтида даволаниш учун имтиёзли ордер ажратиш, доимий кўмаклашиш, тиббиёт ходимларини бириктириш

(Давоми 4-бетда).

Йилнома

ФАОЛИЯТЛАР САРҲИСОБИ: ТАҲЛИЛ, НАТИЖА ВА ХУЛОСА

масаласига катта эътибор қаратилди.

9. 2015 йилнинг 4-6 май кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон фтизиатрлари ва пульмонологларнинг VIII съезди бўлиб ўтди.

10. Жорий йилнинг 14 май куни Ўзбекистон онкологларининг III конгресси ўтказилди. Конгресс ишида Швейцария, Германия, Австрия, Голландия, АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Австралия, Ҳиндистон каби қатор хорижий давлатлар ва юртимизда онкология соҳаси-

лика кардиологлар ассоциацияси, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ҳамкорлигида Ўзбекистон кардиологларининг «Юрак қон-томир касалликлари билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичини камайтиришнинг стратегик вазифалари» мавзусига бағишланган VII съезди бўлиб ўтди.

15. 14 июнь – Бутунжаҳон донорлар кунига бағишлаб республикамизнинг барча тиббиёт муассасаларида инсон ҳаётига нажот бахш этган донорларни рағбатлан-

нинг иқтисодий қудратини оширишга, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимизнинг давлатимиз юксак мукофотлари билан тақдирланганлиги 2015 йил саҳифаларидаги ёрқин воқеа бўлди.

19. 2015 йил 26 август куни Президентимиз томонидан «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни имзоланди.

20. Жорий йилнинг 15 сентябрь куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида «Олий ҳамширалик иши мутахассислари, ўрта тиббиёт ва доришunos ходимлар малакасини узлуксиз ошириб бориш тизимини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

21. 2015 йилнинг 7 октябрь куни Соғлиқни сақлаш вазирлигида вазир Анвар Алимов ҳамда республикамизга ташриф буюрган Туркменистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Нурмуҳаммад Аманнепесовлар ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Ҳамкорликнинг яна бир эътиборли жиҳати, 2015 йил 8 октябрь куни икки давлат соғлиқни сақлаш вазирлари ўртасида «2016-2018 йилларда соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ҳақидаги Ҳукуматлараро Дастур» имзоланди.

22. Октябр ойида «Ўзэкспомарказ»да саккизинчи халқаро ихтисослашган «UzMedExpo – 2015» тиббиёт кўргазмаси бўлиб ўтди.

23. 2015 йилнинг 14 октябрь куни халқаро бизнес марказида «Марказий Осиёда саратонга қарши кураш бўйича халқаро форум» ўтказилди. Мазкур форум Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, АҚШ миллий саратонга қарши курашиш институти (NCI), Саратонга қарши кураш халқаро иттифоқи (UICC), Республика онкология илмий маркази, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Евроосий онкология ва рентгенология институтлари ҳамда марказлари директорлари Ассоциацияси (ADIOR) ҳамкорлигида ташкил қилинди.

24. 2015 йилнинг 29 октябрь куни пойтахтимизда Ўзбекистон Шошилич тиббий ёрдам врачлар Ассоциациясининг III съезди бўлиб ўтди.

25. 2015 йилнинг 4-6 ноябрь кунлари пойтахтимизда «Юқумли касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактикасининг устувор йўналишлари»га бағишланган инфекционистларнинг иккинчи съезди бўлиб ўтди.

26. Ноябрь ойида мамлакатимизда пневмококк инфекциясига қарши янги вакцина амалиётда қўлланилди. Юртимиздаги барча бирламчи тиббиёт масканларида бошланган эмлаш ишлари фарзандларимиз саломатлигини асраш, ўткир юқумли касалликларга қарши курашиш самардорлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни воёга етказишда яна бир муҳим қадам бўлди.

27. 2015 йилнинг 7 ноябрь

куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиёт ходимлари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Ушбу касб байрамида шифо масканларида фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғига асосан, «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочили» кўкрак нишони билан тақдирланса, «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши даво-

лий конференция ўтказилди.

32. Жорий йилнинг 26 ноябрь куни пойтахтимизда «Аллергик хасталикларни ташхислаш, даволаш ва профилактикасининг долзарб муаммолари» мавзусига бағишланган VII илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

33. 2015 йилнинг 25 ноябрь куни Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Ўзбекистонда ҳамширалик иши: бу борада тўпланган тажриба ва



да фаолият юритаётган мутахассислар иштирок этди.

11. Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида юракнинг ишемик касалликларини даволаш бўйича янгиликка қўл урилди. Марказда қўлга киритилган охириги ютуқлардан бири, кардиожароҳлик усулида юрак ишемик касаллигини даволаш, яъни аорта-коронар шунтлаш усулидир. 2015 йил 20 апрелдан бошлаб марказда кардиожароҳлик бўлими ташкил этилиб, бу ерда очик усулдаги мураккаб жарроҳлик амалиёти йўлга қўйилди. Марказда аорта-коронар шунтлаш, юрак клапанлари нуқсонларини бартраф этиш операциялари амалга оширила бошланди. Ҳозирга қадар марказда 15 дан зиёд усулдаги операция муваффақиятли бажарилиб, бемор ва унинг яқинларига қувонч бахш этилди.

12. Май ойида Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти олим-шифокорлари Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида навбатдаги «Маҳорат дарслари»ни ўтказдилар.

13. Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-сонли академик лицей ўқувчилари Арманистон Республикасининг Ереван шаҳрида бўлиб ўтган 49-халқаро Меңделеев олимпиадасида 15 та давлатдан ташриф буюрган 95 нафар тенгқурлари орасида кимё фани бўйича амалий масалаларни ечиш ва назарий билимларга эгаллик қилиш борасида юқори натижани қўлга киритишди.

14. 2015 йилнинг 29-30 май кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Респуб-

(Давоми. Боши 3-бетда).

тириш тадбирлари ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 14 майдаги буйруғига мувофиқ, Самарқанд вилоятидан Қодир Ахроров, Фариди Файзиёва, Наманган вилоятидан Акримжон Иномов, Наташа Турғунова, Бухоро вилоятидан Радик Бобоев, Навоий вилоятидан Шоҳсанам Эшпўлатовалар «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони билан мукофотландилар.

16. 2015 йилнинг 8-11 июль кунлари Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида «Ҳамшира – 2015» республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

17. Истиқлолимизнинг 24 йиллиги арафасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида навбатдаги ижтимоий акция Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан республикамиз микёсида ўтказилди.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25-26 августдаги Фармонлари мувофиқ, мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Ватанимизни, миллий ғояни тарғибташвиқ этиш, маънавиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, ўзлгимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни онаюртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки, шунингдек, давлатимиз-



лаш-профилактика муассасасининг тиббиёт ходими», «Энг намунали кишлоқ врачлик пункти», «Энг яхши умумий амалиёт шифокори», «Энг яхши патронаж ҳамшира», «Энг яхши санитария-эпидемиология назорати маркази ходими», «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши даволаш-профилактика муассасаси» номинациялари бўйича республика танлови ғолиблари аниқланиб, рағбатлантирилди.

28. 2015 йилнинг 19 ноябрь куни Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида «Эндокринологиянинг замонавий ва долзарб масалалари» мавзусига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

29. 2015 йилнинг 24 ноябрь куни Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида «Болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг ютуқлари ва истиқболлари (Ўзбек модели)» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

30. Жорий йилнинг 26 ноябрь куни пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жаҳон банкнинг «Саломатлик-3» лойиҳаси ҳамкорлигида «Соғлиқни сақлаш бирламчи тизимида тиббий хизмат сифатини ошириш»га бағишланган республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

31. Пойтахтимизда дерматовенерология ва эстетик тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган халқаро илмий-ама-

истикболдаги вазифалар хусусида» деб номланган навбатдаги матбуот анжумани ташкил этилди.

34. 2015 йилнинг 2 декабрь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида кардиологиянинг долзарб масалалари ва истиқболдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

35. 2015 йилнинг 10-11 декабрь кунлари пойтахтимизда сил касаллигининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва даволашнинг замонавий йўналишлари, бу борадаги давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш самараларига бағишланган анжуман ўтказилди.

36. 2015 йилнинг 9 декабрь куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси томонидан Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган нодавлат тиббиёт муассасалари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йилнинг 29 октябрида тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2016-2017 йилларда гемоконтакт инфекцияларининг профилактикасининг такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси»ни ўрганиш юзасидан семинар ўтказилди ва унинг доирасида хусусий тиббиёт муассасалари ўртасида 6 та номинация бўйича кўрик-танлов бўлиб ўтди. Шунингдек, 18 декабрь куни мазкур кўрик-танловнинг республика босқичи ўтказилди.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Демак, доимий изланиш, янгиликлар сари интилиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи ва масъулиятидир. Мана, 2016 йил ҳам эшик қоқмоқда. Мазкур йилда бошлаган эзгу ва хайрли ишларимизни давом эттириб, муваффақият ҳамда самарали натижалар сари олға қадам ташлашимиз лозим.

Намоз ТОЛИПОВ.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

КЎП ТАРМОҚЛИ БОЛАЛАР ТИББИЁТ МАРКАЗИ: ЯНГИЛАНИШ БОСҚИЧИДА

Давлатимиз томонидан тиббиёт тизимига бўлган эътибор туфайли, бугунги кунда соҳада улкан ўзгаришлар рўй бериб, республикамиз миқёсидаги шифо масканлари Инвестиция дастури асосида нафақат янгича қиёфа кашф этаяпти, балки ноёб аппаратуралар билан ҳам жиҳозланмоқда. Шунингдек, малакали мутахассислар халқимиз саломатлиги ва турмуш фаровонлигига қаратилган барча жараёнларда фаол иштирок этишмоқда.

Айниқса, бу борада она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган экан, бунинг ёрқин ифодасини амалга ошириётган самарали фаолиятларда кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган сўзлари бугун миллатимизнинг эзгу шиориға айланганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, истиқлолимизнинг илк йилларида I, II даражали "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилгани бу борадаги ишларнинг асл моҳиятини ифода этади. Шунингдек, Президентимиз раҳнамолигида ҳар бир йилнинг ўзига хос ном билан аталиши замирида аввало, фарзандларимиз саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлик мужассамлигини кўрамиз. Бунинг исботи сифатида айтишимиз жоизки, йилларга "Оила йили", "Оналар ва болалар йили", "Соғлом авлод йили", "Баркамол авлод йили", "Соғлом бола йили" деб ном берилиши ҳам бежиз эмас. Зеро, яқинда Бош қомусимизнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан 2016 йил – Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши яна бир бор оналар ва болалар саломатлигига бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликдир. Ўтган давр мобайнида "Соғлом она – соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган дастурлар асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилиниши натижасида мамлакатимизда Скрининг ва Перинатал тиббиёт марказлари ҳамда уларнинг вилоятлардаги филиаллари тиббиёт тизимиздаги улкан ўзгаришлардан бўлди. Бунинг баробарида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ҳамда Педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари, уларнинг жойлардаги филиаллари, вилоят кўп тармоқли болалар шифохоналари оналар ва болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда юртимизнинг қайси бир гўшасида бўлмайлик, юқорида тилга олиб ўтилган шифо масканлари замон талаблари даражасида эканлиги ҳамда энг сўнгги русумдаги ноёб аппаратуралар билан таъминланганлигини кўриб, мамнун бўламиз. Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ҳам ана шундай барча шароит ва имкониятларга эга бўлган шифо масканларидан биридир. Инвестиция дастури асосида қайта таъмирдан чиқарилаётган ва айни пайтда фойдаланишга

топширилган бўлимларга кирганимизда, болалар учун яратилган кенг имкониятларни кўриб, ривожланган давлатлардаги клиникалардан қолишмаслигига гувоҳ бўлдик. Маълумки, республикамизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси Тиббиёт ходимлари куни байрами сифатида нишонланади. Байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тизимда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари ҳамда муассасалар ўртасида кўрик-танлов ташкил этилади. 2015 йилнинг ноябрь ойида ўтказилган мазкур танловда "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши даволаш-профилактика муассасалари" номинациясида Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази голиблар сафидан ўрин эгаллади. **Тиббиёт маркази директори, профессор Маматқул Азизов билан суҳбатда бўлганимизда, куйидаги**

нинг олдини олиш, тўғри ташхис қўйиш ва даво муолажаларини сифатли ўтказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимиз тиббиёт тизимида нафақат она ва бола, балки аҳолининг барча қатламларига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатилаётганлиги боис, "Халқимизнинг ўртача умр кўриши 7,5 йилга (66 ёшдан 73,5 ёшга), хотин-қизларнинг ўртача умр кўриши эса 75 ёшга узайди. Бугунги кунда дунёда камдан-кам давлатлар бундай кўрсаткичларга эришганлигини Юртбошимиз 2014 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга



фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди:

– Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарасини оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида яққол кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда она ва болага бўлган эътибор мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ бошланди, десам муболаға бўлмайди. Бу борадаги эзгу саяё-ҳаракатлар 2012 йилнинг ноябрь ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиумда ҳам алоҳида эътироф этилди. Бу каби муваффақиятлар хусусида кўп гапириш мумкин. Вилоятимизда ҳам оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Инвестиция дастури асосида шифо масканларининг янгидан бунёд этилаётганлиги, айримларининг қайта реконструкция қилинаётганлиги, бунинг баробарида энг сўнгги русумдаги аппаратураларнинг келтирилиши аҳоли орасида касалликлар-

оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқларида қайд қилган эдилар. Фахр билан айтмоқчиманки, давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлашлари ҳамда рағбатга муносиб кўраётганликлари ҳар бириимизни янада шижоат билан ишлашга ундамоқда. Тиббиёт марказимизда болалар шифо топиб кетишлари учун барча зарурий шароитлар яратилган. Айни пайтда муассасамизнинг айрим бўлимлари Инвестиция дастури асосида қайта таъмирдан чиқарилди, қолган қисмларида эса реконструкция ишлари давом этмоқда. 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши ўтган барча йилларимизнинг мантқиқий давоми бўлиб, мазкур йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишдек олижаноб ишда жамоамиз билан ҳамкорликда иш юритиб, самарали натижаларни қўлга киритишга ҳаракат қиламиз.

Тиббиёт марказининг муддатига етмай туғилган чақалоқлар

бўлимида бўлар эканмиз, бемор болалар учун яратилган барча шароитларни кўриб, уларга малакали мутахассислар томонидан сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Мазкур бўлим бошлиғи Азиза Мирмухамедова билан мавжуд хоналарга ташриф буюганимизда бўлимда болалар саломатлигини тиклашда асосий ўринга эга бўлаётган замонавий аппаратураларда даво муолажаларини олаётган чақалоқлар соғайиб, онаси билан оиласи бағрига қайтаётганлигини кўрдик. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда республикамиздаги тиббиёт муассасаларининг қай бирида бўлмайлик, барчасида ноёб аппаратураларни кўриб, тиббиётимиз янгиланаётганлигини кузатамиз.

Тиббиёт марказидаги ушбу бўлимга кирганимизда, бўлим бошлиғи Азиза Мирмухамедова куйидагиларни гапириб ўтди:

– Аввало, оналар ва болалар саломатлиги учун юксак даражада эътибор қаратиб келаётган ҳамда соҳа ходимларининг ишлаши учун кенг имкониятлар яратиб бераётган Юртбошимизга раҳмат. Бунинг тасдиғи сифатида айтишим жоизки, бўлимимизда муддатига етмай туғилган чақалоқлар саломатлигини тиклаш учун барча шароитлар мавжуд бўлиб, 6 та СРАП аппарати, 4 та инкубатор, 5 та пульсоксиметр, 3 та кардиомонитор, 2 та фитотерапия, 4 та реанимация столи гўдақлар тезда соғайиб кетиши-

да муҳим аҳамият касб этмоқда. **СРАП аппарати** чала туғилган чақалоқларда ўпка альвеолаларининг тўлиқ очилишига ёрдам беради. **Инкубатор (КВЮЗ) аппарати** асосан она қорни муҳитига мослашган. **Пульсоксиметр аппарати** – қоннинг кислородга тўйинганлик даражасини, пульсини кўрсатади. Бу аппаратларнинг афзаллиги шундаки, бола ортиқча қийналмайди, шу билан бирга врачнинг вақти тежалади. **Кардиомонитор аппарати** эса беморнинг гемодинамик кўрсаткичларини монитор орқали (нафас сони, пульси, артериал қон босими ва кислород сатурациясини) кўрсатади. **Фитотерапия аппарати** қондаги билирубин миқдорини камайтиришга ёрдам беради. **Реанимацион столлар** чақалоқ тана ҳароратини бир меъёрда ушлаб туради. Даво муолажаларини олаётган чақалоқ шифокор ва ҳамширанинг доимий назоратида бўлиш билан бирга, уларни озиклантириш учун оналарига рухсат берилади. Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, чақалоқларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиши учун албатта, соҳа мутахассиси ўз малакасига эга бўлмоғи ҳамда юқорида таъкидлаб ўтилган замонавий аппаратураларда мукамал ишлай олиши керак. Бўлимимизда 8 нафар неонатолог, 25 нафар ҳамшира чақалоқларга тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу каби зарурий шароит ва кенг имкониятлар яратилган экан, аввало, туғилажак фарзандларимиз соғлом дунёга келишлари учун она саломатлиги ва ҳомиларининг ривожланишига катта эътибор қаратишимиз ўта муҳим вазифадир. 2016 йил давлатимиз раҳбари томонидан Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши замирида келажак авлодларимизнинг соғлом, баркамол ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлишларидек эзгу мақсад ётади. Ҳамкорликда гап кўп. Ҳаммамизнинг эзгу мақсадимиз битта, у ҳам бўлса инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилган экан ҳамжиҳатликда ишлаш ҳар биримизга катта масъулият юклайди.

Дарҳақиқат, юқоридаги фикрлардан англаб етдикки, инсон саломатлиги бу бебаҳо неъмат. Зеро, Президентимиз ҳар йилга ўзига хос ном бераётганликлари ҳам бежиз эмас. Уларнинг тағ замирида халқимизнинг орзумидлари, кундан-кунга юксалиб бораётган жамиятимизнинг эртанги келажаги ётади.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.

Дилдан суҳбат

ҚАЛЪЛАРДАГИ ШУКРОНАЛИК

Мана, тарих саҳифасига битилиб бораётган 2015 йил билан хайрлашиш фурсатига етиб келдик. Вақтнинг тезкорлиги шунчаликки, ҳеч биримиз унга ета олмаймиз. Дақиқалар соатга айланиб, соатлар кунга, тунга ўз ўрнини бўшатиб, ойлар йилга навбат беради. Инсон манфаатлари ҳар жиҳатдан ҳимояланадиган мамлакатимизда вақтнинг катта ўлчами – йилга мазмун бағишлаш, унинг зиммасига улкан вазифа юклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Бу мустақиллик йилларидаги энг эзгу аънамага айланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган сана муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда Президентимиз томонидан 2016 йилга “Соғлом она ва бола” ширинининг берилиши халқимиз хоҳиш-иродасини ўзида яна бир қарра ифодалаганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Касби, яшаш манзили, миллатидан қатъи назар, қайсики юртдошимиз билан суҳбатлашсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Сайёра ТОҲИРОВА,
Самарқанд вилояти,
Иштихон туманидаги
«Барлос» қишлоқ врачлик
пункти мудири:

– Халқимизнинг орзиқиб кутадиган энг эзгу байрамларидан бири янги йил бўлиб, ўтган йиллар солномасига назар солиш, эришилаётган ютуқларни замондошларимизнинг бунёдкорлик, яратувчанлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш аънаси қарор топган. Айниқса, тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш, ўсмирлар ўртасида учрайдиган хавфли касалликларни даволаш бўйича яхлит бир тизим шакллантирилиб, кўплаб лойиҳа ва акциялар амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан 1998 йил Оила, 1999 йил Аёллар, 2000 йил Соғлом авлод, 2001 йил Оналар ва болалар, 2010 йил Баркамол авлод, 2012 йил Мустаҳкам оила, 2014 йил Соғлом бола йили деб номланиши халқимизнинг кўп асрлик ўтмишидан бугунги кунга қадар давом этиб келаётган аънава ва урф-одатларга давлат миқёсида эътибор қаратаётганидан далолат беради. Мана, эшик қоқиб кириб келаётган 2016 йилга Соғлом она ва бола деб ном берилиши бу ҳақиқатнинг яна бир қарра ифодаси бўлди.

Туманимизда 27 та қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлиб, мен раҳбарлик қилаётган муассаса замонавий лойиҳа асосида 1997 йилда қурилган. Яқинда эса Инвестиция дастури доирасида капитал реконструкция қилиниб, бинонинг ички ва ташқи қисми янги қиёфага келтирилди. Бирламчи тизимда қўллаш мумкин бўлган тиббий асбоб-ускуналар пунктимизда етарли. Барлос, Бешбола, Ҳасан-Хусан қишлоқларининг 5156 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдамиз. 0 ёшдан 1 ёшгача 93 нафар, 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган 1194 нафар фарзандларимиз саломатлигини доимий назорат қилиб борамиз. Туғиш ёшидаги 1083 нафар ёш она ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, туғишлар оралигини сақлаш, учраётган экстрагенитал касалликларнинг олдини олиш, фарзандларини соғлом ривожлантириш бўйича тиббий мавзуда суҳбат ва учрашувлар ташкил қилиб бораёмиз. 2 нафар врач, 10 нафар ўрта тиббиёт ходими ўзларига бирикти-

рилган 6 та участкада тиббий хизматни ташкил этишга масъул ҳисобланади. Йилига икки мартаба туман тиббиёт бирлашмасининг тор доирадаги мутахассислари иштирокида саломатлик ҳафталигининг ўтказилишига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Аҳоли ўртасида чуқурлаштирилган тиббий кўрикнинг ташкил қилиниши хотин-қизларнинг ўз саломатлиги ҳақида қайғуриши, соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиши, касалликнинг бирор тури аниқланганда даволаш чораларига ўз вақтида киришиши учун имконият яратмоқда. Айниқса, 22-умумтаълим мактабида таҳсил олаётган 500 нафар, Барлос хизмат кўрсатиш ва сервис коллежида ўқиётган 1000 нафардан ортиқ ўсмир ўғил-қизларимиз саломатлигини алоҳида назоратга олганмиз. Уларда аниқланган турли умумий касалликларни ота-оналари, ўқувчилар ёрдами билан даволашга эътибор қаратаёмиз. Ҳар бир ўқувчига 026 формадаги касаллик варақаси очилиб, унга боланинг соғлиги ҳақидаги барча маълумотларни қайд қилиб борамиз. Мактаб ўқувчилари ўртасида турли мавзуларда суҳбат, учрашув уюштирганимиз ўз натижасини бера бошлади. Уларнинг тиббий саводхонлиги ошиб, касалланиш даражаси камаймоқда.

Бутун мамлакатимиз бўйлаб 2016 йилда “Соғлом она – соғлом бола” деган эзгу ниятда биз тиббиёт ходимлари фидойилик билан ҳаракат қиламиз. Айниқса, бу шиор тиббиёт ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Қишлоқ врачлик пункти ҳисобига олинган 45 нафар ҳомилдор аёлнинг хонадонига бориб ёки уларни пунктимизга чақиртириб, безовта қилаётган муаммоларини ҳал қилиб бермоқдамиз. Уларга таркибида фоллий кислотаси бўлган қўшимча препарат ва дори-дармоқлар тарқатилмоқда. Энг муҳими, охириги уч йилликда оналар ўлимнинг умуман кузатилмаганлиги, болалар нобуд бўлишининг кескин камайганлиги аҳоли репродуктив саломатлигини сақлашга ҳар жиҳатдан эътибор қаратаётганимиз натижасидир. Айна шу жараёни 2016 йилда яна ҳам кучайтириш ниятидамиз.

Абдуҳалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор:

– Халқимизнинг маънавий оламида аёлга нисбатан ҳурмат-эҳтиром чексиз, болажонлик бобида эса бизга ҳеч қайси миллат ета олмайди. Ўтмишга назар ташлайлик: эркаклар ўз оиласини моддий жиҳатдан таъминлаш учун елиб-югурган бўлсалар, уй

бекалари фарзанд тарбияси, рўзғор саранжом-саришталиги билан банд бўлишган. Маърифатпарвар аёллар эса маҳалла худудида эски мактаб очиб, оила муқаддаслиги, ота-она ва фарзанд ўртасида илқ муносабатни шакллантириш, оқ-қорани фарқлаш, ҳалол меҳнат қилиш ҳар бир кишига хотиржамлик бахтини ато этиши ҳақида қизларга сабоқ беришган. Кўҳна тарих шундан сабоқ берадики, ўзбек аёллари қадим-қадимдан ўзининг ибоси, меҳнатсеварлиги, ор-номуси билан ўзгаларга ўрнак бўлган. Яхшилиқ, эзгулик, тинчлик-омонлик, бағрикенглик, бировларга, энг аввало, ўз фарзандлари, жигарларига меҳр улашиш бобида онахонларимиз, опа-сингилларимиз ва қизларимизга тенг кела олмаймиз. Аслида, худди шу нарса миллий-маданий, фалсафий-педагогик меросимизнинг таг-замирини ташкил этади. Мустабид тузум даврида бундай қадриятларга дарз кетгани, аёл зотиға паст назар билан қаралиши катта авлод вакилларининг ҳали хаёлидан кўтарилгани йўқ. Бунга қарши ҳеч ким ҳеч нарса дея олмаган. Истиқлол йилларига келиб пугтур етган ана шу азалий қадриятлар тикланганини, оналик ва болалик қатъий муҳофаза қилинаётганини тарихчи олим сифатида мамнуният билан эътироф этаман.

Маҳмуд ҚУРОНБОЕВ,
Хоразм вилояти, Гурлан
туманидаги 11-умумтаълим
мактаби директори:

– Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 23 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган йиғилишдаги нутқини телевидение орқали кўрдим ва тингладим. Президентимиз таъкидлаганидек, “Соғлом бола, соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар солсак, улар инсоннинг насл-насабига, етти пуштининг тозаллиги, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўрамиз”. Биз – мактаб раҳбарлари, барча педагоглар ушбу маърузадаги ҳар бир жумлани чуқур ўқиб-ўрганишимиз, соғлом авлодни вояга етказиш билан боғлиқ турли жараёнларда фаол бўлишимиз керак. Кенг қамровли бу ишда мактаб зиммасига катта вазифа юкланади. Таълим даргоҳимизда 585 нафар ўқувчининг ҳар томонлама пухта билим эгаллаши, жисмонан-руҳан ривожланиши учун нимаики зарур бўлса, барчаси муҳайё. Мактабимизда “Дехқонобод” ва “Болдоқли” маҳалласи аҳлининг ўғил-қизлари билим олишади. 2013 йилда Инвестиция дастури доирасида мукамал таъмирланган мактабимизда кимё, физика, биология хоналари ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланиб, фарзандларимизнинг пухта билим эгаллаши учун намунали шарт-шароит яратилди. Шароитдан мамнун бўлган педагогик жамоамиз таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ютуқ ва муваффақиятларини кўпайтириш йўлида изланмоқдалар.



Бошқа таълим даргоҳларини билмадим, бизда фаолият кўрсатаётган барча педагоглар ўз шахсий компьютерига эга бўлиб, бу уларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда дарс ўтиши, ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдиришига замин яратмоқда. 50 нафар педагогнинг ҳар бири ўз маблағи эвазига компьютер харид қилиб, уй шароитида дарсга тайёрланиб келиши ижобий ҳодиса ҳисобланади. Ҳамкасбларимиз таълим-тарбия иши доимий равишда янгилаштириш, такомиллаштириб борилиши кераклигини яхши англайдилар. Чунки бизнинг қўлимизга ишониб топширилган қоракўзларни халқимиз хоҳиш-иродасига мувофиқ, ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга масъулмиз. Компьютер синфининг ташкил этилиши, интерактив доска билан таъминланишимиз таълим мазмуни янада такомиллаштириш имконини бермоқда.

Ўқиш бир сменада олиб борилади. Демак, педагогларимиз толиқиб қолишмайди ёки ўқувчиларнинг умумтаълим фанларини ўзлаштириши учун вақт ҳам, имкон ҳам етарли. Турфа феъл-атворга эга, бир-биридан фарқланувчи оилавий муҳитда ўсаётган ўқувчиларнинг ҳар куни эрталаб мактабга талпинишини кузатар эканман, улар олдида нақадар масъулиятимиз катта эканлигини ҳис қиламан. Зеро, давлат миқёсида қўйилаётган умум-миллий масала – соғлом она орқали соғлом зурриётни яратиш жараёни тўла маънода умумтаълим мактабларига ҳам тегишлидир. Оилада туғилиб, мактабга-ча таълим даргоҳига борган, сўнгра мактабга қадам қўйган барча болаларни соғлом ривожлантиришимиз керак.

Махшара МЎМИНОВА,
Фароша вилояти, Учкўприк
туманидаги “Жов” маҳалла
фуқаролар йиғини фаоли:

– Маҳалланг тинч, сен тинч, дейишади. Мустақиллик йилларида маҳалла тизимининг фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органига айланиб, давлат миқёсида қўйилаётган устувор вазифаларга ҳисса қўшаётганлиги қувонarli ҳолдир. Биз истиқомат қилаётган ҳудуд осойишта, кишилари одамохун ва меҳр-оқибатли, кўни-кўшничилик, қариндош-уруғчилик аънавалари чуқур илдиз отган. Қариялар уйда, ота-оналар иш билан банд, фарзандларимиз мактаб, коллеж, лицейда таълим олишади. Уларнинг

саломатлигини асраш, одоб-ахлоқини шакллантириш, касб-хунар эгаллашига кўмаклашиш кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборидаги масалага айланган бир пайтда яқинлашиб келаётган 2016 йилга “Соғлом она ва бола” деб ном берилиши маҳалла фаолларидан бири сифатида мени ҳам бағоят тўлқинлантириб юборди. Ҳар тонг елкасига сумка осиб, 38-умумтаълим мактабига ошиқатган ўқувчиларни, онаси етаклаб юрган кичкинтойларни кўрганимда, улар учун давлатимиз томонидан яратиб берилаётган ғамхўрлик нақадар чексиз эканлиги кўнглимдан ўтади.

Маҳалламизда хунармандчилик аънавалари давом этиб келади. Мебель усталари Мирзоҳид Ҳасанов ва Абдуҳафиз Бадалбоевнинг хонадонига ошиқиб кетаётган ўсмир йигитларни кўрсам, уларнинг хунармандчиликка қизиқиши ортаётганидан кўнглим тўқ. Ўзим эса 38-умумтаълим мактабида “Гулчилик сирлари” тўғрагини ташкил қилганман. Маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда “Қизлар ва оналар” клубининг ташкил этилиши оналарнинг қиз бола тарбиясидаги ролини янада кучайтирмоқда. Қизлар хушмуомалалик, саранжом-саришталик, меҳмон бўлиш ва меҳмонга бориш, рўзғор юритиш, гулчилик сир-асрорларини ўрганса, оналар ўз ҳаётий тажрибаларидан ўқувчи қизларга сабоқ беришади.

Оилада туғилган фарзандни аввало, ота-онаси парвариш қилади, уни оқ ювиб, оқ тарайди. Мактаб унга билим беради, “Баркамол авлод” болалар маркази касб-хунар ўргатади, мусиқа ва санъат мактаби эстетик дидини шакллантиради, маҳалла эса уни тарбиялайди. 2016 йилда Президентимиз имзоси билан тасдиқланадиган ва кучга кирадиган “Соғлом она ва бола” Давлат дастурининг қабул қилинишида бу тизим зиммасига улкан вазифалар юклатилишини маҳалла фаоли сифатида қалбдан ҳис қилиб турибман. Бу борада ўз худудимиз учун чора-тадбирлар режасини белгилаб оламиз. Бир болага етти маҳалла тарбия беради, деган асрий ақида бугунги кунга келиб янги босқичга кўтарилмоқда. Демак, саъй-ҳаракатимиз шунга муносиб бўлиши керак.

Хулқар КУЗМЕТОВА
суҳбатлашди.

Дил изхори

ЯХШИЛИКНИНГ УМРИ БОЎҚИЙДИР

Сара СЕЙТОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси,
Қўнғирот тумани,
Охунбоев номидаги
ширкат хўжалиги:

– 2014 йилда касал бўлиб қолганлигим туфайли, пойтахтимизда жойлашган Вирусология институтидagi мутахассислар кўригидан ўтишга келдим. Шифокорлар менга “С” гепатити аниқланганини маълум қилишди. Хуллас, даволанишим шарт экан. 5-бўлимга жойлашдим. Бу ерга киришим билан мени бўлим ҳамширалари илиқ ва самимий кутиб олишди.

Бу йил давлатимиз раҳбари томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши туфайли биз фахрийларга катта имкониятлар яратилганига ана шу даргоҳ мисолида амин бўлдим. Институтнинг барча даволаш бўлимларида нафақат меҳнат фахрийларига, балки турли ёшдаги барча беморларга шифокорлик деонтологияси талаблари бўйича тиббий хизмат кўрсатилар экан. Бош шифокордан тортиб ҳамшираларгача беморга қаратилган эътибор, уларнинг саломатлигини тиклаш йўлида саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор. Ушбу муассасада даволанаётганлар нафақат соғлигини тиклайди, балки маданий дам олишди ҳам.

Даволаш курси тугагач, оила аъзоларим бағрига қайтдим. Шу йилнинг 4 сентябрь кунда Вирусология институтидagi яна бир марта даволаш курсини қабул қилдим. Ҳозир аҳволим яхши, парҳез сақлапман. Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ кенг қўламдаги ишлар амалга оширилади учун ҳам биз меҳнат фахрийларининг қўллари доимо дуода. Мазкур институт директори, профессор Эркин Мусабоев ва унинг жамоасига ўз миннатдорлигимни билдириб, уларни кириб келаётган янги йил байрами билан қутлаб қолам.

Тошмуҳаммад ҲАРАЛИЕВ,
Наманган вилояти,
Ҳисор тумани:

– Иссиқ жон иситмасиз бўлмас. Яқинда Наманган шаҳридаги шошилиш тез тиббий ёрдам шифохонасида даволанишимга тўғри келди. Шифо истаб, жуда кўп шифохоналарда бўлганман, ammo бу ердаги шифокорлар бутунлай бошқача экан: ширинсўз, мулоим, кўпол гапириш тугул битта ўринсиз гапни айтишдан ўзларини тиядилар, минг бир мулоҳаза билан гаплашадилар. Ушбу марказ бош шифокори Азиз Тошметов ва унинг олижаноб ҳамкасби Солижон Мадумаров феъл-атвори турлича бўлган, “шифокор” деб айтишга тил бормаидиган кишилардан кескин фарқ қилар экан. Агар барча даволаш муассасаларида улар каби шифокорлар меҳнат қилишса, биз беморларнинг дардимиз бутунлай енгиллаб, оила аъзоларимиз бағрига қайтамиз. Қисқа кунлар ичида соғлигим яшиланди. Яхшиямки, жонга дармон бўлувчи шифокорлар бор экан, мен каби беморларнинг умрига умр, ёшига ёш қўшилади. Шифокорларнинг беморга талаб даражасида хизмат кўрса-

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана” газетаси тахририятига жўнатилган мактубларни ўқиб, бу фикрнинг ҳаққоний эканлигини англаш мумкин.

Ҳаёт бу курашиш, дегани. Шундай вазият рўй берадики, инсонга шифокор кўмаги зудлик билан зарур бўлади. Табиийки, эғнида оқ халати билан бемор ҳаётини ўнглашга, соғлигини тиклашга шай турадиган шифокор бундай кезде ўз билими, тажрибаси, малакасига таянган ҳолда ишга киришади. Кўп вақт ўтмай, ширин жонида яшашига нисбатан иштиёқ ва рағбат уйғонган беморнинг чеҳрасида шифокордан мамнунлик

тиши учун барча шарт-шароитларни яратиб берган давлатимиз раҳбарига, ҳукумат аъзоларига, қолаверса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятига мингданминг раҳмат айтиб қолам.

Қодир ҲАЙТОВ,
Бухоро вилояти,
Пешку тумани:

– Мен каби кўпга беморлар Тошкент шаҳридаги 1-Республика клиник шифохонасининг кардиология бўлимида ётиб, даволаниб чиқдик. Бош шифокор Азиз Ибрагимов раҳбарлигида барча даволанувчиларга намунали шароит яратилганини кўриб, гўёки дардимизни унутгандек бўлдик. Бизни даволаган шифокор Роза Шарипова, терапевт Олимжоннинг меҳрибонлиги ва ғамхўрлигидан бошимиз кўкка етди. Ҳаёт тақозоси билан Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани касалхонасида ҳам даволанишимизга тўғри келди. Бош шифокор Ҳайдар Бобохонов, травматолог Муҳиддин Норматов ва бошқалар кеча-кундуз беморлар дардига малҳам излашади. Бош шифокор ўринбосари Умида Абдуллаева, терапевт Гулноза Пашанованинг хизмати барчага манзур. Бухоро шаҳар кардиология диспансерининг реанимация бўлими бошлиғи Илҳомжон Ҳасанов беморни диққат билан тушуниш, дардига шерик бўлиш ва асосийси, самарали даволаш руҳий тетиклик бағишлашини яхши билади. Юрак касаллигига чалинганим учун турли даволаш муассасаларида даволанишимга тўғри келмоқда. Ammo қаерда даволанмайин, халати каби кўнгли ҳам оқ шифокорларга дуч келаётганим, маслаҳат ва йўл-йўриқларини олаётганимдан мамнунман. Менга қўлидан келганича ёрдамлашган, дардимни енгиллаштирган барча инсонларга раҳмат айтиб қолам.

Абсалом ҚУРБОНОВ,
Қашқадарё вилояти, Қашқадарё тумани, меҳнат фахрийси:

– Юртимиз мустақиллиги йилларида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи қарор топиб, барча фуқароларнинг тиббий саводхонлиги ошмоқда. Ammo ҳар биримизнинг тиббий саодхонлигимиз етарли бўлса ҳам, баъзан дардга чалиниб қоламиз. Шифокорлар омон бўлсин, жонимизга оро киришади. Биз меҳнат фахрийларидан бир гуруҳи яинда Республика кўз микрохирургия клиник шифохонасида даволандик. Бош шифокордан тортиб оддий ҳамширагача турли кўз касалликлари билан оғриб, бу ерга нажот истаб келган беморларни илиқ қарши олишади. Жарроҳ Замира Фозилова қўли жуда енгил бўлгани учун ҳам кўпчилик уни излаб келар экан. Қисқаси, бу шифохонада биз меҳнат фахрийлари ўз дардимизга шифо топиб чиқдик. Шундай намунали шарт-шароитни яратиб

ифодаси балқийди. У ўзига ёрдам берган кишига яхшилик билан жавоб қайтаргиси келади, ҳеч бўлмаганда, энг самимий тилақларини йўлласам, дейди. Ҳаёт ва ўлим орасидаги масофани йўқотишга қодир бўлган касб эгалари – шифокор учун бемордан илиқ ва самимий сўзларни эшитишдан ортиқ бахт бўлмас керак. Соғайган бемор шифокор шаънига айтадиган илиқ гапларини оқ қоғоз узра тўқади. Қуйида мазмун-моҳияти қисман шарҳланаётган мактублар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида юборилган қалб изҳорлари бўлиб, ҳар бирида муҳтарам шифокорларимиз, ўрта тиббиёт ходимлари шаънига билдирилган қалб сўзлари мужассам.

берган Юртбошимизга, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ташаккур билдирамиз.

Эргаш ҚЎБАЕВ,
Тошкент шаҳри,
Қорасув даҳаси:

– Шу йилнинг сентябрь ойида уч яшар набирам соғлиги ёмонлашиб, Мирзо Улуғбек тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси йўлланмаси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти диагностика поликлиникасида текширувдан ўтиш учун бордик. Улар эса бизни Республика вирусология институтига йўлланма билан юборишди. Институт қабул бўлими шифокори Бибиҳаво Анорбоева бизни очик-чеҳралик билан қарши олар экан, бу ердаги даволаниш тартиб-қоидалари билан таништирдик. Ҳозир набирамнинг аҳволи яхши. Унинг соғлигини тиклаш учун ўз қалб кўрини, кучини аямаган барча оқ халат соҳибларига таъзим қилиб қолам.

Маҳмуд ЭРГАШЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Китоб тумани,
Панжи қишлоғи:

– Нафақадан. 7 ёшдаги набирам Муҳаммаджоннинг тез-тез тоби қоцадиган бўлди. Текширтисрак, нафас йўллари шамоллаган экан. Уни Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказига текширтириш учун олиб келдик. Ушбу масканда халқимиз саломатлигини сақлаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган шифокор ва ҳамшираларнинг муомаласи бизни жуда хурсанд қилди. Набирамни даволаётган шифокорларнинг нафақат дори-дармони, балки ширинсуханлигидан гўёки бемор бирдан тузалиб кетгандек бўлади. Муҳаммаджоннинг соғайиб кетиши учун бу ерда барча имкониятлар етарли экан. Ҳар бир бемор билан илиқ муносабатда бўлувчи шифокорлар соғ ва омон бўлишсин!

Соҳида ҲОЖИЕА,
Қўшработ тумани тиббиёт бирлашмаси:

– Ҳар йили Ўзбекистон мустақиллиги байрами арафасида Президентимизнинг таълим, фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда фидойилик кўрсатиб меҳнат қилган бир гуруҳ юртдошларимизни турли орден, медаллар билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони матбуотда эълон қилинади. Бу йилги мукофотланганлар орасида тумандошимиз, “Шавона” қишлоқ врачлик пункти мудирани Анноқул Синдоронинг борлиги бизни беҳад қувонтирди. У “Шухрат” медали билан тақдирланди. Кўп йиллардан бери тиббиёт соҳасида меҳнат қилиб келаётган бу шифокорнинг меҳнати муносиб тақдирланди. Шунинг учун ҳам туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси шахсан Президентимизга, Ўзбе-

кистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз миннатдорлигини билдиради.

Саида ТОҶИБОЕВА,
Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, 9-мавзе:

– Уйимга яқингина жойдаги бозорга чиқдим, йўлда қорин бўшлиғимда кучли оғриқ бошланганини сездим. Қаердандир пайдо бўлган нотаниш аёл такси бошлаб келди. Шаҳар шошилиш тез тиббий ёрдам марказига олиб кетишди. Жарроҳлик бўлимида менинг ўтимда пайдо бўлган иллат – тош олиб ташланди. Менга ёрдам кўрсатган ҳалиги аёл Фориш тумани тез тиббий ёрдам бўлими мудирани Сурайё Ибрагимова экан. Эҳтимол, дард хуруж қилган пайтда бу аёлни Худо менга етказмаганида, ҳолим нима кечарди, буни ўзим ҳам билмайман. Яхшилик яхши, яхши инсонларнинг борлиги янада бахши. Сурайёхон, умрингиз узоқ бўлсин, сиз туфайли сурункали ўт касаллигидан бутунлай фориғ бўлдим.

Анора ҚАЙПОВА,
Нукус шаҳри:

– 2003 йилда автоҳалокатга учраганимдан бери соғлигимда турли муаммолар бўлиб туради. Даволаш муассасаларида кўп даволанаман, ammo ҳалокатнинг асоратлари менга тинчлик бермайди. Шу боис, ҳар йили Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникасида вақти-вақти билан даволаниб тураман. Ҳатто, бу ерда меҳнат қилаётган Дилором Тоирова, Омон Ғуломов, Шаритилла Убайдуллаев, ҳамширалар Клара Мирсағатова, Мадина Умарова, Ҳакима Сулаймонова кабилар билан қадрдон бўлиб кетдим. Халқимизда “Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?” деган ибратомуз нақл бор. Улар ана шу нақл замиридаги ҳикматни англаганликлари учун ҳам савоб ишни амалга ошириб, чарчамайдилар.

А. ҲОЖИЕВ,
Тошкент вилояти,
Қибрай тумани:

– Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмоно-

логия илмий-амалий тиббиёт маркази шифокорлари ўз касбий фаолиятини амалга ошириб келар эканлар, фарзандларимиз тақдирини ўйлаб, тушкунликка тушган ота-оналарга қувонч бахш этишмоқда. Жорий йилнинг учинчи август куни кизим Камолани икки томонлама ўпка сили таххиси билан ушбу марказга олиб келдик. Юрагимиз таххикада. Ижтимоий хавфи юқори бўлган бу касалликдан кизимизни қандай қилиб фориғ этсак бўларкан, деган ташвишда шифокорлар хузурига кирдик. Жарроҳлик бўлими мудирани Одилжон Нейматов, хирург Шокиржон Маюсупов ва Анваржон Рискиевлар маслаҳатлашиб, бемор кизимизнинг ҳар иккала ўпкасини пластик операция қилиш зарурлигини, бу эса ҳеч қандай асорат қолдирмаслигини айтганида, биз бунга рози бўлдик. Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ниҳоясига етказилди. Ҳозир кизчамизнинг аҳволи яхши, ўзини бардам ҳис этмоқда. Бизга қувонч бахш этган марказнинг қўли енгил шифокорларига кўзимизда севинч ёшлари билан ва қўлимизни дуога очиб, мингданминг раҳмат айтиб қоламиз.

Сония УСМОНОВА,
Самарқанд шаҳри,
“Шарбатдор” маҳалласи:

– Биз ота-оналар киз фарзандларимизнинг тиббиёт ҳамшираси ёки шифокор бўлишини жуда орзу қиламиз. Ана шу мақсадда уларни тиббиёт коллежи ёки институтларида ўқишга ундаймиз. Қизим Феруза Самарқанд Давлат тиббиёт институти қошидаги 2-сонли академик лицейда ўқиб келарди. Бу ернинг шароити бизга маъқул келса-да, кизим тиббиёт йўналишидаги коллежда ўқиш истаги пайдо бўлиб қолганини айтиб, менга тинчлик бермай қўйди. Бу иш Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали ҳал бўлишини эшитган эдим. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирани Анвар Алимов номига барча ҳужжатларимизни олиб бордик. Амалдаги тартиб-қоидага мувофиқ, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли бошқармаси бизнинг талаб-истакларимизни инобатга олган ҳолда кизимнинг ўқишини Сиеб тиббиёт коллежига ўтказиб беришди. Айни пайтда у ана шу коллежда аъло баҳоларга ўқишмоқда. Шу боис, бизга ёрдам берган вазирлик ходимларига ташаккур билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирани Анвар Алимов ҳамда республикамиздаги турли даволаш муассасалари шифокорлари, тиббиёт ҳамширалари номига билдирилган миннатдорлик хатлари ва ташаккурномаларнинг кети узилмайди. Йил давомида вазирлик ҳамда тахририятимизга оқиб келган бундай миннатдорлик мактублари халқимизнинг азалий қадрияти – яхшилик ва инсонийликни ифода этишдир, аслида. Мактубларнинг қайси бирини ўқиб чиқмайлик, самимий ва меҳрға тўлиқ жумлаларда қайсидир даволаш муассасаси шаънига айтилган илиқ жумлаларга кўзимиз тушади. Кишиларнинг вақти қанчалик тизиб бўлмасин, бир энликкина мактуб ёзиб, ўз миннатдорлигини билдиришга ҳамма ҳам ҳафсала қилавермайди. Зеро, яхшилик қилган инсонга миннатдорлик изҳор этиш, унинг шаънига энг эзгу тилақларни йўллаш ҳам савоб, дейдилар. Биз ҳам ўз навбатида кўнгил кечинmalarини оққа тўкиб, вазирлик ходимлари ҳамда тахририят ижодий жамоасига мактуб йўллаган барча юртдошларимизга раҳмат айтамыз ва кириб келаётган янги – 2016 йил билан самимий қутлаб, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз.

Мактубларни Хулқар КУЗМЕТОВА шарҳлади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ**

01.12.2015 й

350-сон

Тошкент шаҳри

**ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИНИНГ ПАТРОНАЖ ТИББИЁТ ҲАМШИРАЛАРИНИ
МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Қишлоқ жойларда дастлабки тиббий-санитария ёрдами сифатини янада яхшилаш, қишлоқ врачлик пунктлари патронаж тиббиёт ҳамширалари меҳнатини рағбатлантиришни уларнинг касалликлар профилактикаси, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ва санитария-гигиена маданиятини тарғиб қилиш чора-тадбирларини рўёбга чиқаришдаги фаолиятининг аҳамияти ва етакчи ролини ҳисобга олган ҳолда ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг қишлоқ врачлик пунктлари патронаж тиббиёт ҳамширалари иш самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижаларига боғлиқ равишда улар меҳнатини

моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш тизимини 2016 йил 1 январдан бошлаб жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

ўзига бириктирилган ҳудудда оилаларнинг патронаж билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлайдиган ва ўз фаолиятида ижобий якуний натижаларга, шу жумладан, касалликларни камайитиришга, болалар ва оналар ўлимига барҳам беришга эришган патронаж тиббиёт ҳамшираларига тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача миқдорда ҳар ойлик шахсий устама белгилансин;

энг юқори даражада намуна кўрсатган патронаж тиббиёт ҳамшираларини ва патронаж тиббиёт ҳамширалари фаолиятини ташкил этиш учун масъул бўлган қишлоқ врачлик пунктларининг врач-тиб-

биёт ходимларини уларнинг фаолиятини ҳар чорада баҳолаш асосида, лекин тегишли ходимни йилига икки ойлик маошдан кўп бўлмаган миқдорда мукофотлаш.

2. Қишлоқ врачлик пункти патронаж тиббиёт ҳамшираси ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил ва кейинги йиллар учун Давлат бюджети параметрларида ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга зарур маблағларни назарда тутсин.

5. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 1 декабрдаги
350-сон қарорига 1-илова

**Қишлоқ врачлик пункти патронаж тиббиёт ҳамшираси
ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни
ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ****I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги 50-сон қарорига мувофиқ, қишлоқ врачлик пункти патронаж тиббиёт ҳамшираси (кейинги ўринларда ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси деб аталади) ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни ўтказиш тартибини белгилайди.

2. ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолашни ўтказиш:

фаолият сифатини ва унинг якуний натижаларини ошириш;
асосий функционал вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш – аёллар ва болаларни хонадонига бориб патронаж тартибида кўриш, врачнинг кўрсатмаларини бажариш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, санитария-гигиеник тарбиялаш тадбирларини ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш;
профилактик эмлашлар, флюорографик текшириш билан қамраб олиш, касалликни камайитириш, чақалоқлар ва оналар ўлимини бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

3. ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш иш ҳажми кўрсаткичларига, юқори сифатга ва ҳисобот даври мобайнидаги натижадорликка асосланади.

**II. ҚВП ПАТРОНАЖ ТИББИЁТ ҲАМШИРАСИ
ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ
БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

4. ҚВП патронаж тиббиёт ҳамширасининг кундалик ишлари махсус журналда қайд этилади, уни тўлдириш шакли ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

5. ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича, унинг фаолиятининг асосий кўрсаткичлари асосида ҳар чорада бир марта ўтказилади.

6. ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш уч босқичда ўтказилади:

биринчи босқичда – ҚВП патронаж тиббиёт ҳамширасининг асосий функционал вазифалари тўлиқ бажарилиши кўрсаткичлари баҳоланади;
иккинчи босқичда – ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси фаолияти якуний натижаларининг салбий кўрсаткичлари баҳоланади;
учинчи босқичда – рейтинг баҳолашнинг тўпланган якуний балларидан келиб чиқиб рағбатлантириш/жазолаш чоралари белгиланади.

7. ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш тегишли туман тиббиёт бирлашмаси, шу жумладан, тегишли туман тиббиёт бирлашмаси ҳузурдаги махсус мониторинг гуруҳи (кейинги ўринларда махсус мониторинг гуруҳи деб аталади) томонидан ўтказилади.

8. Махсус мониторинг гуруҳи таркиби ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ, туман тиббиёт бирлашмасининг бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Махсус мониторинг гуруҳи уч ойда бир марта ҳар бир қишлоқ врачлик пунктининг фаолиятини ўрганади.

9. ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади:

а) бириктирилган аҳоли ўртасида касалликка чалинишнинг олдини олиш бўйича асосий функционал вазифалар бажарилишининг тўлиқлиги:

тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун уй ҳужаликлари патронажи;
ёлғиз кексалар, ногиронлар ва парвариш қилишга муҳтож шахслар патронажи;
ёш оилалар патронажи;

кекса ёшдаги аҳолини қақриқ бўйича профилактик кўздан кечириш;

б) фертил ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар, шунингдек, кўзи ёриганлар ўртасида касалликларнинг олдини олиш бўйича асосий функционал вазифалар бажарилишининг тўлиқлиги:

ҳомиладор аёлларни хонадонига бориб кўриш;
фертил ёшдаги аёлларни қақриқ бўйича профилактик кўздан кечириш;
кўзи ёриганларни туққанидан кейин 42 кун мобайнида хонадонига бориб кўриш;
в) болалар ўртасида касалликка чалинишнинг олдини олиш бўйича асосий функ-

ционал вазифалар бажарилишининг тўлиқлиги:

1 ёшгача болаларни хонадонига бориб кўриш;

ногирон болаларни хонадонига бориб кўриш;

болаларни қақриқ бўйича профилактик кўздан кечириш;

г) болаларни профилактик вакцинациялаш ва ревакцинациялаш бўйича асосий функционал вазифалар бажарилишининг тўлиқлиги;

болаларни профилактик вакцинациялаш ва ревакцинациялаш билан қамраб олиш;

вакцинациядан кейинги таъсир юзасидан мониторинг олиб бориш бўйича назорат тартибида бориб кўриш;

д) махсус мониторинг гуруҳининг ҳулосаси бўйича асосий функционал вазифалар бажарилишининг салбий якуний натижалари:

ҚВП патронаж тиббиёт ҳамширасининг айби билан ҳомиладор аёлларни 12 ҳафтадан кеч муддатларда рўйхатга олиш;

оналар ўлими мавжудлиги;

1 ёшгача чақалоқлар ўлими мавжудлиги;

ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси фаолияти юзасидан аҳоли ўртасида асосли шикоятлар мавжудлиги.

**III. ҚВП ПАТРОНАЖ ТИББИЁТ ҲАМШИРАСИ ИШЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ**

10. ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси қишлоқ врачлик пунктининг ўз врач раҳбарлигида ҳар ойда ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот шаклини тўлдиради.

Қишлоқ врачлик пунктининг врач мавжуд бўлмаганда, ушбу шакл қишлоқ врачлик пунктининг мудир раҳбарлигида ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси томонидан тўлдирилади.

11. Ҳисобот даври (чорак) тамом бўлгандан кейин ҚВП патронаж тиббиёт ҳамширасининг бажарган ишлари тўғрисидаги ҳисоботнинг тўлдирилган шакли ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай қишлоқ врачлик пункти мудирга топширилади.

12. ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси ишларининг натижалари бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботнинг тўлдирилган шакли асосида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунигача ҳар чорак якунлари бўйича қишлоқ врачлик пунктининг мудир ва катта тиббиёт ҳамшираси томонидан баҳоланади.

13. Махсус мониторинг гуруҳи томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунидан сўнг ҳар чорак якунлари бўйича бирламчи ҳужжатларни (ҚВП патронаж тиббиёт ҳамширасининг журналини) таҳлил қилиш асосида ҳар бир қишлоқ врачлик пункти бўйича 10 кундан кўп бўлмаган муддатда ҚВП патронаж тиббиёт ҳамширасининг ишлари натижаларининг салбий кўрсаткичлари ўрганилади.

14. Ҳисобот даврида ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси ишларининг салбий кўрсаткичлари махсус мониторинг гуруҳи томонидан ўрганилиши натижалари ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда икки нусхада маълумотнома шаклида расмийлаштирилади.

Маълумотноманинг бир нусхаси қишлоқ врачлик пунктида сақланади, иккинчи нусхаси сақлаш учун туман тиббиёт бирлашмасига берилади.

15. Махсус мониторинг гуруҳи қишлоқ врачлик пунктининг мудир билан биргаликда текшириш маълумотлари асосида ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ, қишлоқ врачлик пункти патронаж тиббиёт ҳамширасининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи шаклига ҳисоблаб чиқилган балларни киритади.

ҚВПнинг ҳар бир патронаж тиббиёт ҳамшираси ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш якунлангандан кейин тегишли якуний баллар белгиланади.

16. Энг кўп тўпланиши мумкин бўлган балларнинг 85 фоизини ва ундан юқори якуний балларни тўплаган ҚВП патронаж тиббиёт ҳамширалари лавозим тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача миқдорда шахсий устама белгилансин.

17. Шахсий устамалар миқдорлари тўпланган якуний баллар сонидан келиб чиқиб қуйидаги тартибда белгиланади:

рейтинг баллари энг кўп миқдорининг 85 фоизидан 87 фоизигача – 5 фоиз;

рейтинг баллари энг кўп миқдорининг 87 фоизидан 91 фоизигача – 10 фоиз;

рейтинг баллари энг кўп миқдорининг 91 фоизидан 96 фоизигача – 15 фоиз;

рейтинг баллари энг кўп миқдорининг 96 фоизидан 100 фоизигача – 20 фоиз.

18. Қишлоқ врачлик пункти ходимларини қўшимча равишда рағбатлантириш мақсадида рейтинг баҳолаш якунлари бўйича ҳар чорада энг юқори намуна кўрсатган ҚВП патронаж тиббиёт ҳамширалари ва ушбу патронаж тиббиёт ҳамширалари фаолиятини ташкил этиш учун масъул бўлган қишлоқ врачлик пункти врачлари мукофотланадилар, бироқ бир йилда 2 лавозим маошидан ортиқ эмас.

(Давоми 9-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ**

01.12.2015 й

350-сон

Тошкент шаҳри

**ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИНИНГ ПАТРОНАЖ ТИББИЁТ ҲАМШИРАЛАРИНИ
МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

19. Энг кўп тўплаш мумкин бўлган балларнинг 55 фоизидан 85 фоизигача миқдорда яқуний баллар тўплаган ҚВП патронаж тиббиёт ҳамширалари қўшимча равишда моддий рағбатлантиришсиз белгиланган тартибда ўз лавозим маошини оладилар.

20. Энг кўп тўплаш мумкин бўлган яқуний балларнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ интизомий жазолар қўлланади.

**IV. ҚВП ПАТРОНАЖ ТИББИЁТ ҲАМШИРАСИ
ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ
ЎТКАЗИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

21. ҚВПнинг ҳар бир патронаж тиббиёт ҳамшираси бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботнинг белгиланган шаклига киритилган маълумотнинг ишончлилиги учун ўзи жавоб беради.

22. ҚВП патронаж тиббиёт ҳамширасининг бажарилган ишлари ҳажми тўғриси-

даги маълумотларнинг номувофиқлиги, шунингдек, ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси ишлари натижаларининг салбий кўрсаткичлари бирламчи ҳужжатларни ва ҳисобот шакллари таллаб ўрганиш асосида махсус мониторинг гуруҳи томонидан аниқланади.

23. Махсус мониторинг гуруҳи фаолиятини назорат қилиш текширишлар режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекциясининг минтақавий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

V. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДА

24. ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолашнинг ҳолисоналиги, тўғрилиги ва уни ўтказиш тартибига риоя қилиниши учун тегишли равишда қишлоқ врачлик пунктларининг раҳбарлари, махсус мониторинг гуруҳи аъзолари, шунингдек, соғлиқни сақлашнинг юқори бошқарув органлари раҳбарлари жавоб берадилар.

Низомга 1-илова
**Қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж тиббиёт
ҳамширалари ишлари самарадорлигини
рейтинг баҳолашни ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddати
1-босқич	Қишлоқ врачлик пунктларининг врачлари ва патронаж тиббиёт ҳамшираси	Рейтинг баҳолашни ўтказиш учун маълумотларни шакллантириш. Қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж тиббиёт ҳамшираси бажарган ишлар тўғрисида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисоботни тўлдирди	Ҳар ойда
2-босқич	Туман тиббиёт Бирлашмаси ҳузуридаги махсус мониторинг гуруҳи	Рейтинг баҳолашнинг яқуний натижаларини шакллантириш. 1. ҚВП патронаж тиббиёт ҳамшираси фаолиятининг яқуний натижалари салбий кўрсаткичларини баҳолаш. 2. Яқуний натижаларни қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж тиббиёт ҳамшираси бажарган ишлар тўғрисидаги ушбу Низомга мувофиқ 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисоботга киритиш ва яқуний балларни аниқлаш.	Ҳар бир чорак яқуний ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунидан сўнг 10 кун мобайнида
3-босқич	Қишлоқ врачлик пункти (мудир)	Рейтинг баҳолаш натижалари бўйича қарор қабул қилиш. 1. ҚВПнинг мумкин бўлган энг юқори яқуний балларнинг 55 фоизидан кам тўплаган патронаж тиббиёт ҳамшираларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ интизомий жазолар қўлланади. 2. ҚВПнинг мумкин бўлган энг юқори яқуний балларнинг 55 дан 85 фоизигача яқуний баллар тўплаган патронаж тиббиёт ҳамширалари ўзининг лавозим маошини қўшимча моддий рағбатлантиришсиз белгиланган тартибда оладилар. 3. ҚВПнинг мумкин бўлган энг юқори балларнинг 85 ва ундан кўпфоизгача яқуний баллар тўплаган патронаж тиббиёт ҳамширалари лавозим тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача миқдорда шахсий устама белгилаш тарзида моддий рағбатлантириладилар.	Рейтинг баҳолаш яқуний бўйича 10 иш кунни мобайнида

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи**

(Ф.И.О.)
20__ йил «__» _____

**_____ тумани тиббиёт бирлашмаси
ҳузуридаги махсус мониторинг гуруҳининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

Т/р	Ф.И.О.	Лавозимининг номи
1.		Гуруҳ раҳбари - марказий туман кўптармоқли поликлиникаси мудирининг ўринбосари - қишлоқ врачлик пункти фаолияти координатори
		Гуруҳ аъзолари:
2.		Туман тиббиёт бирлашмасининг таъшилий-методик бўлими мутахассиси
3.		Туман тиббиёт бирлашмасининг саломатлик маркази мутахассиси
4.		Давлат санитария эпидемиология назоратининг туман маркази мутахассиси

Изоҳ: махсус мониторинг гуруҳи таркибига туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг ихтиёрига кўра, бошқа мутахассислар ҳам қўшимча равишда киритилиши мумкин.

Низомга 3-илова
**Қишлоқ врачлик пункти патронаж тиббиёт
ҳамширасининг бажарган ишлари тўғрисидаги
ҲИСОБОТ ШАКЛИ**

ҚВПнинг номи _____
Патронаж тиббиёт ҳамширасининг Ф.И.О. _____
Врачнинг Ф.И.О. _____
Эгалланган ставка _____ (0,25; 0,50; 0,75; 1,00; 1,25; 1,50).
Биркитилган аҳоли сони _____ (киши)

(Давоми. Боши 8-бетда).

Т/р	Баҳолаш кўрсаткичлари	Юклама нормативи	Ҳисоблаш методикаси	Ҳисоблаш натижалари бўйича аниқланадиган балл		20__ йил __ чоракдаги яқуний баллар			
				бажариш фоизи	тегишли балл	1 ойдаги	2 ойдаги	3 ойдаги	чоракда жами
I. Биркитилган аҳоли ўртасидаги касаллик профилактикаси бўйича вазифаларни тўлиқ бажариш кўрсаткичи индикаторлари									
1.	Тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун уй хўжаликлари патронажи	Бир ойда 144 та уй хўжалиги	Патронаж билан қамралган уй хўжаликлари сони _____ ----- x 100 144 x эгалланган ставка	85 - 100% 72 - 84% 55 - 71% камида 55%	20 15 5 0				
2.	Парваришга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, ногиронлар ва шахсларнинг патронаж билан қамраб олинган сони	Бир ойда бир марта	Парваришга муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронлар ва шахсларнинг патронаж билан қамраб олинган сони _____ ----- x 100 биркитилган ҳудудда яшайдиган парваришга муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронлар ва шахслар сони	85 - 100% 72 - 84% 55 - 71% камида 55%	10 7 4 0				
3.	Ёш оилалар патронажи	Бир йилда 2 марта	Патронаж билан қамралган ёш оилалар сони x 6 ----- x 100 биркитилган ҳудудда яшайдиган ёш оилалар сони	85 - 100% 72 - 84% 55 - 71% камида 55%	5 4 3 0				
4.	Кекса ёшдаги аҳолини профилактика кўригига чақириш	Бир йилда бир марта	Профилактика кўригига қамраб олинган кекса ёшдаги шахслар сони x 11 ----- x 100 биркитилган ҳудудда яшайдиган кексалар сони	85 - 100% 72 - 84% 55 - 71% камида 55%	5 4 3 0				

II. Фертил ёшдаги, ҳомиладор, шунингдек, кўзи ёриган аёллар ўртасидаги касалликлар профилактикаси

5.	Ҳомиладорлар хонадонига бориш	Бир ойда бир марта	Патронаж билан қамралган ҳомиладорлар сони _____ ----- x 100 биркитилган ҳудудда яшайдиган ҳисобда турган ҳомиладорлар сони	85 - 100% 72 - 84% 55 - 71% камида 55%	10 7 4 0				
6.	Кўзи ёриган аёллар хонадонига бориш (кўзи ёригандан кейин 42 кун мобайнида)	Кўзи ёригандан кейин 42 кун мобайнида камида 3 марта	Кўзи ёригандан кейин 42 кун мобайнида кўзи ёриган аёллар _____ ----- x 100 биркитилган ҳудудда яшайдиган 42 кун мобайнида кўзи ёриган аёллар сони x 2,14	85 - 100% 72 - 84% 55 - 71% камида 55%	10 7 4 0				
7.	Фертил ёшдаги (15 - 49 ёш) аёлларни профилактика кўригига чақириш	Бир йилда бир марта	Профилактика кўригига қамраб олинган фертил ёшдаги аёллар x 11 ----- x 100 биркитилган ҳудудда яшайдиган фертил ёшдаги аёллар сони	85 - 100% 72 - 84% 55 - 71% камида 55%	5 4 3 0				

III. Болалар ўртасидаги касалликлар профилактикаси бўйича вазифаларни тўлиқ бажариш кўрсаткичи

8.	1 ёшгача бўлган болалар хонадонига бориш	Бир ойда бир марта	1 ёшгача бўлган болалар хонадонига боришлар сони _____ ----- x 100 биркитилган ҳудудда яшайдиган 1 ёшгача бўлган болалар сони	85 - 100% 72 - 84% 55 - 71% камида 55%	10 7 4 0				
9.	Ногирон болалар хонадонига бориш	Бир ойда бир марта	Ногирон болалар хонадонига борганлик сони _____ ----- x 100 биркитилган ҳудудда яшайдиган ногирон болалар сони	85 - 100% 72 - 84% 55 - 71% камида 55%	10 7 4 0				
10.	Болаларни профилактика кўригига чақириш	Бир йилда бир марта	Профилактика кўригига қамраб олинган болалар сони x 11 ----- x 100 биркитилган ҳудудда яшайдиган болалар сони	85 - 100% 72 - 84% 55 - 71% камида 55%	5 4 3 0				

(Давоми 10-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ**

01.12.2015 й

350-сон

Тошкент шаҳри

**ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИНИНГ ПАТРОНАЖ ТИББИЁТ ҲАМШИРАЛАРИНИ
МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Т/р	Баҳолаш кўрсаткичлари	Юклама нормативи	Ҳисоблаш методикаси	Ҳисоблаш натижалари бўйича аниқланадиган балл		20__ йил __ чорақдаги якуний баллар			
				бажариш фоизи	тегишли балл	1 ойдаги	2 ойдаги	3 ойдаги	чорақда жами

IV. Болаларни профилактик вакцинациялаш ва ревакцинациялаш бўйича вазифаларни тўлиқ бажариш кўрсаткичи индикаторлари

11.	Болаларни профилактик вакцинациялаш ва ревакцинациялаш билан қамраб олиш	Иммунизация- лашнинг миллий режасига мувофиқ	Мазкур даврда иммунизациялаш билан қамраб олинган болалар сони х 100 мазкур даврда иммунизация қилинадиган болалар сони	85 - 100%	5				
				72 - 84%	4				
				55 - 71%	3				
				қамида 55%	0				
12.	Вакцинациядан кейинги реакция мониторинги бўйича ҳоҳшим а назорат тартибда бориш	СанПиПга мувофиқ	Хонадонига борилган иммунизация қилинган болалар сони х 100 иммунизация қилинган болалар сони	85 - 100%	5				
				72 - 84%	4				
				55 - 71%	3				
				қамида 55%	0				

Жами тўпланган баллар

V. Махсус мониторинг гуруҳи хулосаси бўйича вазифаларни бажаришнинг якуний натижалари салбий кўрсаткичлари индикаторлари (баллар салбий микдорда)

13.	КВП патронаж тиббиёт ҳамширалари айбига кўра 12 ҳафтадан кейинги муддатларда ҳомиладор аёлларни рўйхатдан ўтказиш	Патронаж тиббиёт ҳамширасининг ҳар бир исботланган айбдорлик (бепараволик) ҳолати учун	x	x	-3	x	x	x	
14.	Оналар ўлими мавжудлиги		x	x	-5	x	x	x	
15.	1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими мавжудлиги		x	x	-3	x	x	x	
16.	КВП патронаж тиббиёт ҳамшираси фаолияти юзасидан аҳоли ўртасида		x	x	-2	x	x	x	
	Шикоятларнинг мавжудлиги								
Жами салбий баллар							x	x	x
БАЛЛАРИНИНГ ҲАММАСИ							x	x	x

Патронаж тиббиёт ҳамширасининг имзоси _____
Раҳбар врачнинг имзоси _____
Махсус мониторинг гуруҳи аъзоларининг имзолари:
Ф.И.О. _____
Ф.И.О. _____
Ф.И.О. _____
Ф.И.О. _____

Низомга 4-илова

**_____ тумани тиббиёт бирлашмасининг _____
қишлоқ врачлик пункти патронаж тиббиёт ҳамшираси
ишларининг 20__ йил __ чорақдаги ишларининг
салбий кўрсаткичларини махсус мониторинг гуруҳи
томонидан ўрганиш натижалари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТНОМА**

1. Урганиш учун яссас: _____ (тиббиёт бирлашмаси бўйриқининг №, санаси)
2. Урганиш объекти: _____ (мувоҳазасининг номи, СЭТР рақами)
3. Урганиш санаси ва муддати: _____ (тоқшириш бошланган кун ва вақт, тоқшириш тугалланган кун ва вақт)
4. Урганиш гуруҳининг таркиби: _____ (гуруҳ раҳбарининг Ф.И.О. ва лавозими)

(Давоми. Боши 8-9-бетларда).

(гуруҳ аъзоларининг Ф.И.О. ва лавозими)

5. Асосий қисм _____ (Низомга 3-иловадаги ҳар бир индикатор натижаси урганилади ва қайд этилади)

6. Текшириш хулосаси _____ (балларнинг якуний йиғиндиси)
Гуруҳ раҳбари _____ Ф.И.О. _____ ИМЗО _____
Гуруҳ аъзолари: _____ Ф.И.О. _____ ИМЗО _____
_____ Ф.И.О. _____ ИМЗО _____
_____ Ф.И.О. _____ ИМЗО _____

Қишлоқ врачлик пунктнинг мудири: _____ Ф.И.О. _____ ИМЗО _____

Маълумотнома имзоланган сана: 20__ йил «__» _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 1 декабрдаги
350-сон қарорига
2-илова

Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига қиритилаётган қўшимчалар

1. 4-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «3-иловага мувофиқ» сўзларидан кейин «қишлоқ врачлик пунктлари учун эса – 3¹-иловага мувофиқ» сўзлари қўшилсин.
2. Қуйидаги мазмундаги 3¹-илова қўшилсин:

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 21 ноябрдаги
276-сон қарорига
3¹-илова

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш йўналишлари (қишлоқ врачлик пунктлари учун)

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари (қишлоқ врачлик пунктлари учун):				Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари:	
Моддий рағбатлантиришга		Моддий-техник ривожлантиришга, муассасани модернизациялаш ва таъмирлашга, кредиторлик қарзларни тўлашга			
КВП учун бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача	Ҳомийлик ва донорлик ташкилотларидан, пулли даволаш ва хизматлардан, интизомий жазони қўллашдан тушадиган, жарималар маблағлари	Ҳисобот чорагининг охириги иш кунини тугашида пайдо бўлган бюджет маблағларидан тежамлар (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлардан ташқари)	Вақтинчалик фойдаланилмаётган хоналари ва бошқа давлат мүлкини ўзга ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағлар	Кўпи билан 75%	Қамида 25%

Изоҳ: тежалган маблағлар мавжуд бўлган тақдирда ушбу маблағлар вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз ходимларга тўланмаган нафақаларни молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин.

Эҳтиром ва эъзоз

КАТТА АВЛОД ВАКИЛЛАРИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти доирасида «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди томонидан катта авлод вакиллари эъзозлашга бағишланган тадбир ташкил этилди.

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида яшовчи 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар, ногиронлар ушбу тадбир иштирокчиларига айланишди. «Кексаларни эъзозлаш – ҳар биримизнинг бурчимиз» лойиҳаси доирасидаги бу хайрия тадбири Чилонзор туманининг «Кўтарма» маҳалласида Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош қармаси, мазкур туман бандликка кўмаклашиш ва

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ўтказилди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Сардор Қариев, «Кўтарма» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳимжон Солиев, Чилонзор туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бўлим бошлиғи Эльвира Мустафина мамлакатимизда катта авлод вакилларига кўрсатилаётган ғамхўрликни эътироф этишди. «ЭКОСАН» экология ва сало-

матлик фонди бўлим бошлиғи – мазкур лойиҳа координатори Собиржон Абдуллаев тадбирга таклиф қилинган 70 нафар уруш қатнашчиси ва меҳнат фахрийсига хайрия ёрдами сифатида, жами 1,7 млн. сўмлик кўрпа-тўшак гилофи ва гигиена воситаларини тақдим этди.

Меҳмонлар номидан сўз олган табаррук ёшдаги олима, қишлоқ хўжалиғи соҳасида кўп йиллар хизмат қилган Нина Сенякова кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдирди.

Мазкур лойиҳа доирасидаги тадбирлар давом этади.

Мирқарим МИРСОВУРОВ,
«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи.

НУРОНИЙЛАР МАМНУН

Фарғона туманининг сўлим ва хушманзара Водил қишлоғи марказида жойлашган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги фахрийлар шифохонаси 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда уруш ва меҳнат фахрийлари, фронт ортида меҳнат қилганлар, байналминал жангчилар, Чернобиль ҳалокати иштирокчилари даволаниб, саломатликларини тиклашлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратиб берилган.

Сўлим табиат қўйнида даволанаётган фахрийлар малакали шифокорлар хизмати, кўрсатилаётган амалий ёрдамдан миннатдор бўлишмоқда. Санаторийнинг электрофарез, ингаляция, парафин, массаж, физиотерапия хоналари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган, врач ва ҳамширалар туну кун беморлар соғлиғини ўз назоратига олган.

– Шифохонага тез-тез келиб, соғлиғимни тиклаб қайтаман, – дейди Тошлоқ тумани Сацца қишлоқ фуқаролар йиғинида Истикомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Одилжон ота Зокиров. – Тўқсон икки ёшга кирдим. Малакали шифокор ва ҳамширалар хизматидан мамнунман. Шундай фаровон, тинч, хуррам замонда яшаётганимдан бахтиёрман, мамлакатимиз обод, осмонимиз мусаффо. Эл-юрт ардоғидаги давлатимиз раҳбарининг биз каби кексаларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътибори учун миннатдорлик изҳор этаман.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси, Марғилон шаҳри.

Пресс-конференция

НОВЫЙ ВЗГЛЯД НА ОТЕЧЕСТВЕННУЮ ФАРМАЦЕВТИКУ

Современная фармацевтическая промышленность на сегодняшний день шагнула далеко вперед. Если говорить об отечественной фармацевтической индустрии в целом, то можно с уверенностью сказать, что благодаря реформированию системы здравоохранения за годы независимости, коренные изменения проявились и в данном направлении. Благодаря внедрению передовых технологий производства, данная отрасль предоставляет населению самые качественные лекарственные препараты и изделия медицинского назначения в широком ассортименте. На сегодняшний день увеличилось наименование медикаментов, особое внимание уделяется проведению тщательного контроля процесса производства и хранения, а самое главное – развивается отечественное производство.



Как известно, сегодня аптеки по всей нашей республике располагают большим спектром лекарственных средств, как отечественных, так и зарубежных медикаментов. Но порой, находясь перед выбором того или иного препарата, мы задаемся вопросом: какое лекарственное средство выбрать, отечественные препараты или зарубежные? Именно эти и другие вопросы нашли свой ответ в ходе пресс-конференции, организованной по инициативе Министерства здравоохранения Республики Узбекистан и Акционерной компании (АК) "Дори-Дармон", которая прошла 15 декабря 2015 года в Национальном пресс-центре Узбекистана.

Открыл пресс-конференцию Председатель правления АК

"Дори-Дармон" Абдугани Камиллов. Как известно, АК "Дори-Дармон" уже на протяжении 90 лет обеспечивает население и лечебные учреждения республики качественной фармацевтической продукцией. Имея в своем составе 8 акционерных обществ и 12 обществ с ограниченной ответственностью, имеющих в своем составе 17 оптовых складов, 15 контрольно-аналитических лабораторий, 1381 аптечное учреждение, обеспечивающих как городское, так и сельское население необходимыми лекарственными препаратами.

Как известно, оказание качественной медицинской помощи, а вместе с этим, обеспечение всей необходимой фармацевтической продукцией является главной задачей данной индустрии. Для ее осуществления в

этом направлении проводятся масштабные работы. АК "Дори-Дармон" для оказания лекарственной помощи сельскому населению филиалами аптек при СВП за 2015 год реализовало лекарственных средств на сумму 18,8 млрд. сум.

В целях улучшения лекарственного обеспечения населения, проживающего в отдаленных сельских районах с 2010 года организована работа 14-ти передвижных аптек на базе специализированных изотермических автофургонов "ISUZU" с необходимым оборудованием. Кроме того, в 2014 году организована работа 50 передвижных аптек на базе автомобиля "DAMAS". На сегодняшний день начата работа по организации дополнительных передвижных аптек, в целях более широкого охвата населения.

Не секрет, что качество лекарственных препаратов напрямую зависит от условий хранения. Ведь каждое лекарственное средство должно храниться в определенном месте и при этом, должен поддерживаться необходимый температурный режим. Учитывая это, компания уделяет особое внимание обеспечению надлежащих условий хранения, следует отметить, что все склады, а также аптеки компании оснащены всем необходимым оборудованием для поддержки температурного режима.

Согласно Протоколу Кабинета Министров Республики Узбекистан №32 от 21 апреля 2015 года "О мерах по развитию производства лекарственных средств и биологических активных добавок (БАД) на основе лекарственного растительного сырья на отечественных предприятиях", компанией предусмотрена реализация проектов по организации предприятий по переработке растительного сырья и цехов для расфасовки. На сегодняшний день для осуществления этих проектов в Гулистане введено в строй фармацевтическое предприятие по переработке растительного сырья, начал работу склад по хранению и изготовлению экстра-

гентов в Ташкенте.

Порой, обращаясь к медицинским работникам за помощью, пройдя необходимое обследование, врач подбирает необходимую схему лечения для пациента, для этого назначаются лекарственные препараты. Для обеспечения доступности лекарственной помощи населению, в аптеках компании изготавливаются лекарственные препараты по рецептам врача. В состав изготавливаемых лекарственных форм входят сложные порошки,

заданы вопросы, на которые они получили исчерпывающие ответы.

Несомненно, проведение данной пресс-конференции стало очень актуальным событием, как для организаторов, так и для журналистов, ведь на нем мы не только поближе познакомимся с деятельностью АК "Дори-Дармон", но и получили ценнейшую информацию, а также нашли ответы на интересующие вопросы.

Итак, за эти годы АК "Дори-



инъекционные и инфузионные растворы, назальные и ушные капли.

Все эти достижения, пожалуй, были бы невозможны без труда квалифицированных специалистов. На данный момент в компании ведут свою деятельность 4100 работников, особый акцент делается на повышение квалификации специалистов. Во исполнение правительственных решений, каждый год создаются новые рабочие места, к работе привлекаются молодые специалисты.

В ходе пресс-конференции журналистам был представлен видеоролик, отображающий деятельность АК "Дори-Дармон": его становление, сегодняшнюю деятельность и перспективы на будущее. После презентации видеоролика журналистами были

Дармон" добилась больших результатов. Наличие широкого ассортимента качественных лекарственных средств, внедрение самых современных технологий в производство, хороший кадровый потенциал позволили компании занять ведущие позиции на фармацевтическом рынке Узбекистана. А еще одним, и конечно же, самым важным фактором развития считается доверие народа. Ведь фармацевтическая продукция под логотипом "Сделано в Узбекистане" не только вселяет гордость, но и уверенность в то, что лекарственные препараты, произведенные из растений, которые воплоти в себя тепло нашего солнечного края, его чистый воздух, несомненно, помогут вылечить все недуги.

Ирода ИЛЬХАМОВА

Тарихга бир назар

БУЮК ТИББИЁТ КАШФИЁТЧИСИ

Биз Абу Али ибн Синони тиббиёт алломаси сифатида яхши биламиз. Аммо, унинг буюк кашфиётлари ҳақида кенг жамоатчилик етарлича маълумотга эга бўлмаслиги мумкин. Мен бир тиббиёт тарихчиси сифатида илмий адабиётларга таянган ҳолда алломанинг кашфиётлари тўғрисида маълумот беришга жазм қилдим.

Абу Али ибн Сино тиббиёт алломаси сифатида жуда ҳам синчков табиб бўлган. Аллома беморнинг пешоби, ахлати ва балғамини текшириш йўли билан тўғри таъхислашга ҳам катта эътибор берган. Бунинг натижасида турли касалликларнинг кечиши, ўзига хос хусусиятлари ҳамда унда бўладиган ўзгаришларни аниқлаб ва ўзлаштириб хулоса чиқарган. Шу йўл билан олим тиббиёт илмини янги ташхис ва даволаш усуллари билан бойитган. Аллома жаҳон тиббиётида клиник тиббиётнинг дифференциал (таққослаш) диагностикаси, яъни ҳар хил ўхшаш касалликни бир-биридан фарқлаш усулини ривожлантирган. У биринчи бўлиб ўлат билан вабини,

плеврит билан ўпка яллиғланишини, гемолитик ва механик сариқ касалликларининг бир-биридан фарқини, шунингдек, менингит касаллиги аломатларини аниқлаб, унда кекирдик мушакларининг тортишишини биринчилардан бўлиб кўрсатиб берган. Шуниси эътиборлики, олим бемор аъзоларини бир бутун ва ташқи муҳит билан боғлиқ ҳолда текширишни тавсия қилган. Бунда у беморнинг ҳаёти ва турмуш тарзини албатта эътиборга олиш зарурлигини таъкидлаган.

Абу Али ибн Сино айниқса, ҳозирги кунда кўп учрайдиган қандли диабет касаллигини теширишда бемор пешоби ширин ҳамда қайнатилганда бугланиб бўлган, идиш тагида оқ чўкма қолишини биринчи

бўлиб аниқлаган. Аммо, ушбу фикрни Ибн Синодан кейин етти аср ўтгач, англиялик олим Томас Уиллис ҳам айтган эди. Аслида эса бу ҳақиқатнинг Ибн Сино кашфиёти деб аталиши тўғрисида Шунингдек, алломанинг "Тиб қонунлари" асари IV китобининг биринчи қисми травматология масалаларига бағишланиб, унда турли чиқиш-синишлар ва даволаш усуллари батафсил баён этилган. У бир қанча бўғимларнинг чиқиши ва даволаш усуллари ни ишлаб чиққан. Бўғинда суяк боши кириб турадиган чуқурча қанча ясси бўлса, шу бўғин шунчалик осон чиқади, деб тўғри фикр юритган. Бунда бирор бўғиннинг чиққанлигини аниқ билиш учун шу бўғинни соғ одамнинг шундай бўғинига солиштириб кўришни тавсия этган. Олим елка бўғини чиққанда, елка суяги бошчасига босим билан таъсир этиб, уни жойига туширишнинг асосий усулини ишлаб чиққан ва бу усул ҳозирги кунгача травма-

тологияда Ибн Сино усули деб юритиб келинади. Дарвоқе, Ибн Сино травматологияда биринчилардан бўлиб чиққан ва синган суякларни даволашда гипсдан фойдаланганлиги илмий адабиётларда ўз аксини топган.

Академик В. Воҳидовнинг фикрича, Ибн Сино артериал, веноз ва паренхиматоз қон кетиши, уларни вақтинча ва бутунлай тўхтатиш усуллари ишлаб чиққан. Жумладан, уларнинг айрим турлари – томирни боғлаш ва куйдириш усуллари ҳозирги жарроҳликда ҳам қўлланиб келинмоқда. Дарҳақиқат, эмпиема кўпинча ўпканинг йирингли яраларининг ёрилиши натижасида ривожланади деб тўғри фикрлаган. Ибн Сино эмпиемани даволашдаги оператив усуллардан тешиш, беморга дренаж ўрнатиш каби муолажаларни тўғри талқин этган. Энг эътиборлиси шундаки, аллома оёқ қисми веналарининг кенгайиш механизмини тўғри тушуниб, мазкур касал-

лики даволаш учун бир қатор қимматли тавсиялар беради. У веналар кенгайишида боғламлар кўйиш яхши натижа бермаганда ҳозирги кунда Тредиленбург номи билан юритиладиган жарроҳлик муолажа усулини бундан бир неча юз йил илгари тавсия этган эди.

Хулоса қилиб айтганда, Абу Али ибн Синонинг тиббий хулосалари, клиник кузатишлари, даволаш усуллари ва буюк кашфиётлари ҳозирги кунгача ўз ахамиятини йўқотган эмас. Ҳамон унинг даволаш усуллари бутун дунё шифокорлари томонидан такомиллаштирилиб, амалиётда кенг фойдаланиб келинмоқда.

**Абдулла ЖОВЛИЕВ,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси функционал диагностика ва лаборатория бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди.**

Анжуман

ДАВЛАТ ДАСТУРИ
МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

Пойтахтимизда сил касаллигининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва даволашнинг замонавий йўналишлари, бу борадаги давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш самараларига бағишланган анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси бошлиғи вазифасини бажарувчи О. Гўзалов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялашга йўналтирилган ислохотлар жараёнида фтизиатрия ва пульмонология хизматини такомиллаштиришга қаратилаётган доимий эътибор тўғрисида йўналиш берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 мартдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш. Мазкур давлат дастури-

да белгиланган чора-тадбирлар натижасида силга қарши кураш диспансерларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини ошириш, диагностика ва даволаш амалиётига жаҳон тиббиётининг янги технологияларини татбиқ этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Жойларда мазкур касалликни

барвақт аниқлаш бўйича махсус лабораториялар ташкил этилиб, замонавий тиббий таҳлил воситалари билан жиҳозланди. Бугунги кунда тиббий текширувлар хасталикни эрта аниқлаш ва даволаш имконини бермоқда. Ана шундай тизимли ишлар натижасида мамлакатимизда сил билан касалланишни қирқ фоизга, ўлим кўрсаткичини етмиш фоиздан кўпроқ камайитиришга эришилди. Халқаро экспертлар силга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича мамлакатимиз эришаётган ютуқларни, бу йўна-



НАЦИОНАЛЬНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ ПО ТУБЕРКУЛЁЗУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«ДОСТИЖЕНИЯ И ЗАДАЧИ ПРОТИВОТУБЕРКУЛЁЗНОЙ ПРОГРАММЫ»



лишда ортирилган миллий тажрибани алоҳида эътироф этмоқда.

– Силга қарши кураш жаҳон миқёсидаги глобал муаммодир, – дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперти Мартин Бум. – БМТнинг Мингйиллик декларациясида ушбу йўналишда барқарорликка эришиш устувор йўналиш этиб белгиланган. Ўзбекистон бу борада ўз зиммасига олган масъулиятни муваффақиятли бажаришга эришган давлатлардан биридир. Мамлакатингизда ушбу йўналишда махсус давлат дастури қабул қилиниб,

ҳаётга татбиқ этилиши ютуқлар кўламини янада кенгайтирди. Ана шундай илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш ва уни кенг миқёсда оммалаштириш тиббиёт тараққиёти ва инсон саломатлигини муҳофазалаш йўлида муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда силга қарши кураш дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар самараси ва галдаги вазифалар, бу борадаги тиббий-илмий лойиҳалар натижаларига оид маърузалар тингланди. Ў.А.

Конференция

СПЛОЧЕНИЕ ОПЫТА И ЗНАНИЙ В ДЕЛЕ
ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ

В ноябре месяце 2015 года в отеле "Regal Palace" (город Самарканд) состоялась научно-практическая конференция колопроктологов на тему "Неопухольевые заболевания толстой кишки. Диагностика и лечение". Данное мероприятие проведено Научным центром колопроктологии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан сплотило более 200 специалистов: колопроктологов, хирургов, онкологов, гастроэнтерологов, рентгенологов, эндоскопистов, морфологов, а также микробиологов, как из Узбекистана, так и России, и США.

Как известно, проблема заболеваемости и смертности от болезней толстой кишки, таких как язвенный колит, диффузный полипоз толстой кишки, дивертикулез и опухолевые заболевания является актуальной на сегодняшний день. Ухудшение экологии, перенесенные стрессовые ситуации способствуют возрастанию данных заболеваний. Сегодня ученые всего мира глубоко изучают факторы, которые являются той самой "кнопкой запуска" данных заболеваний, молекулярные механизмы этих процессов, эффективные методы раннего выявления и успешного лечения данных недугов. Стремительное развитие колопроктологии в последние десятилетия связано с разработкой и внедрением в практику врачей данной сферы медицины новейших лекарственных средств, разработкой и совершенствованием оперативных вмешательств. Если раньше специалисты радикально удаляли патологический процесс, то на сегодняшний день благодаря самым

современным достижениям науки они максимально сохраняют функциональные возможности пациента за счет органосохраняющих и реконструктивно-пластических операций.

Самой приоритетной целью данной конференции является обмен информацией о новейших достижениях колопроктологии, определение приоритетных направлений развития теоретических и практических аспектов науки, разработка новых стратегий в лечении патологии толстой кишки на основе интеграции современных технологий с практической медициной.

По словам Главного специалиста по проктологии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, доктора медицинских наук Бекзода Наврузова, только кооперация, тесное взаимодействие и сотрудничество в проведении научных исследований, разработка и внедрение в практику эффективных программ профилактики и лечения заболеваний толстой кишки, а также совместная целенаправленная работа по подготовке высококвалифицированных кадров позволит

замедлить уровень заболеваемости, что конечно же, отразится на снижении смертности и инвалидизации больных. Для расширения уровня знаний специалистов, ведущих свою деятельность в районных и областных медицинских учреждениях, а также сельских врачебных пунктах, в Центре колопроктологии организовываются выезды специалистов в области, где проводятся лекции и практические занятия со специалистами, идет непрерывный обмен опытом, что, несомненно, отражается на повышении качества оказываемых медицинских услуг населению. Сотрудниками нашего Центра выпущены методические рекомендации, которые играют важную роль в оказании колопроктологической помощи населению.

В ходе проведения конференции всем участникам были представлены доклады специалиста по воспалительным заболеваниям толстой кишки из Кливлендского госпиталя профессора Клаудии Фиокки, которые были посвящены современным взглядам на этиопатогенез и современной тактике лечения язвенного колита. Также, особый интерес среди специалистов вызвали доклады Ведущего колитолога Российской Федерации, профессора И. Халифа. К тому же участникам конференции были представлены доклады, посвященные аноректопластике, диагностике и лечению патологий аноректальной области и патологий толстой кишки.

Научно-практическая конфе-



ренция колопроктологов Республики Узбекистан стало большим событием для специалистов. Высокий научно-методологический уровень докладов вызвал большой интерес у специалистов, которые пользуясь возможностью, задавали интересующие их вопросы. Исходя из резолюции конференции, было обозначено, что основными задачами колопроктологической службы является не только диагностика и лечение, но и организация постхирургической реабилитации, внедрение скрининговых методов для раннего выявления новообразований тол-

стой кишки, развертывание кабинетов реабилитации колопроктологических больных, проведение циклов по уходу за больными с кишечными стомами, а также контроль своевременного повышения квалификации колопроктологов.

Медицина сегодняшнего дня не стоит на месте. Она совершенствуется, появляются новые методы диагностики и лечения разных заболеваний. Как и в практическую медицину, так и в теоретические процессы внедряются новые передовые технологии.

Казалось бы, этого достаточно, но есть еще много вопросов, которые ожидают своего ответа. И проведение конференции стало очередным шагом в развитии сферы колопроктологии, расширении знаний специалистов для единой цели – здоровья народа.

Ирода ИЛЬХАМОВА.

Хурматли газетхонлар!

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бериб келаётганлиги қувонарли, албат-

та. Айниқса, давлатимиз томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимига қаратилаётган эътибор бундан мустасно эмас. Газетамизда «Савол беринг – жавоб берамиз» руҳини остида мутахассислар билан му-

лоқот олиб борилмоқда. Агар Сизда бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкиллаштириш бўйича саволлар бўлса, вазирликнинг Марказий штаби barno.odilova@minzdrav.uz электрон манзили ёки 241-86-16 телефон

рақамига мурожаат қилинг.

Мутахассислар томонидан берилган жавоблар «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси саҳифаларида чоп этиб борилади.

Вилоятдаги мухбирларимиз хабар қилади

СОҒЛОМ БОЛА ҲАФТАЛИГИ

Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган «Соғлом бола» ҳафталигида олти ойликдан беш ёшгача бўлган болаларга фойдали микроэлементларга бой бўлган А витамини тарқатилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон организмида иммунитетни кучайтириш ва уни мустаҳкамлашда энг муҳим микроэлементлардан бири А витамини етишмаслиги кўриш қобилиятининг сусайиши, қизамиқ, диарея ва ўткир юқумли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис мамлакатимизда ҳар йили бу хасталикларга қарши курашиш мақсадида А витамини сапленментацияси дастурига мувофиқ болалар эмланади.

2006 йилдан буён аънавий ўтказилаётган «Соғлом бола» ҳафталиги доирасида болажонларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлашга йўналтирилган тиббий профилактика ишлари амалга оширилмоқда.

Нукус шаҳридаги 5-оилавий поликлиника шифокорлари ҳам бу тадбирда фаол қатнашди.

– Худудимиз аҳолисининг 13 мингдан зиёди 14 ёшгача бўлган болалардир, – дейди

оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Қалбике Ержанова. – Ҳафталик давомида олти ойликдан 5 ёшгача бўлган 3 мингдан зиёд бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Дармондорига бой бўлган А витамини тарқатилди. Поликлиникамизда сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит мавжуд. «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида замонавий ташхис қўйиш ускуналари, ЭКГ, автоклав, умумий амалиёт шифокорлари учун жамланма, вакциналарни сақлаш учун музлатгичлар билан жиҳозланган муассасамиз фаолиятдан аҳоли мамнун.

Кегейли туманида ҳам мазкур ҳафталик доирасида 7



мингдан зиёд бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Шифокорлар томонидан овуларда аҳоли ўртасида болаларни кўрак сути билан озиклантириш, А витамини сапленментацияси фойдаси, оналик ва болалик муҳофазаси, оилада соғлом фарзанд туғилиши ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди.

мингдан зиёд бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Шифокорлар томонидан овуларда аҳоли ўртасида болаларни кўрак сути билан озиклантириш, А витамини сапленментацияси фойдаси, оналик ва болалик муҳофазаси, оилада соғлом фарзанд туғилиши ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди.

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА



Президентимиз раҳнаомлигида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган Фарғона вилояти перинатал марказининг акушерлик, реанимация, чақалоқлар интенсив терапияси, ҳомиладор аёллар патологияси, гинекология бўлимларида сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. 400 дан зиёд тиббиёт ходими аёллар саломатлигини сақлаш, гўдақлардаги патологик жараёнларнинг олдини олиш борасида салмоқли натижаларга эришмоқда.

ШИФО МАСКАНИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА



Сурхондарё вилояти Жарқўргон туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасининг тубдан реконструкция қилинган «Сурхон» худудий бўлими биноси фойдаланишга топширилди.

Шифо масканида 217 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланди. Шифохона таркибидagi стационар даволаш бўлимлари ва 100 қатновга мўлжалланган поликлиникада аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган.

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Наманган вилоятида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, профилактика ва даволаш ишлари самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Наманган туманидаги «Бешкапа» қишлоқ врачлик пункти Урганжи, Овул, Олахамак қишлоқларининг етти мингга яқин аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатаётир. Мевазор богда қад ростлаган ва қишлоқ кўркига кўрк қўшиб турган кўрак шифо маскани «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида ЭКГ, ФЭК ва бошқа замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда касалликларни аниқлаш ва тўғри ташхис қўйиш, муолажаларни ўз вақтида амалга ошириш учун

барча шароит муҳайё. Замонавий ФЭК лаборатория аппарати ёрдамида қоннинг 28 турдаги таҳлили амалга оширилмоқда.

Эллик қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пунктида ўндан зиёд юқори малакали ўрта тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда.

– Президентимиз раҳнаомлигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида қишлоқ аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда, – дейди «Бешкапа» қишлоқ врачлик пункти муди-



ри Х. Азимова. – 2015 йилда уч ярим мингга яқин аёл, жумла-

дан, туғруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёллар тиббий кўрикдан

ўтказилиб, саломатлиги назоратга олинди. 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўн уч турдаги хавфли касалликка қарши бепул эмлаш ишлари амалга оширилди. Аниқланган касалликларнинг аксарияти қишлоқ врачлик пунктининг ўзида даволанмоқда. Патронаж ҳамшираларимиз томонидан ногиронлар, ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат fronti фаришларининг уйларига бориб хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Президентимиз ташаббуси билан Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган 2016 йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди.

ЗАМОНАВИЙ МАСКАНЛАР

Президентимиз раҳнаомлигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида тиббий хизмат кўрсатиш сифати юксалиб, энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий тиббиёт масканлари барпо этилаётир. Фарғона вилояти Бешариқ туманида фойдаланишга топширилган саломатлик масканлари ҳам ана шу йўналишдаги эзгу ишлар самарасидир.

– Айниқса, кейинги икки йилда туманимизда тиббиёт соҳасида катта бунёдкор-

лик ишлари амалга оширилди, – дейди Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи А. Тўхтақулов. – Шифохона мажмуасида шошилинч, жаррохлик, реанимация, терапия, қабулхона бўлимлари қурилди. Замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган бўлимларда касалликни аниқлаш ва тўғри ташхис қўйиш, самарали даволаш учун барча қулайлик яратилган.

Туманда 22 қишлоқ врачлик пункти аҳоли хизматида.

«Соғлом она – соғлом бола» тамойилига мувофиқ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, алоҳида эҳтиёжли оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

5 миллиард сўмдан ортик маблағ эвазига фойдаланишга топширилган туғруқ мажмуасида барча шароит яратилган. Чақалоқлар бўлими шифокори Зебо Абдумаликованинг таъкидлашича, бундай замонавий тиббий масканлар оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

МАЛАКАЛИ ҲАМШИРА



Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро вилояти филиали ҳамшираси Ситора Раҳматова кўли энгил ва ўз касбини пухта ўзлаштирган билимли ҳамшира сифатида кўпчиликнинг эътиборини қозонган.

«Ҳамшира – 2015» кўрик-танловининг мамлакат босқичида учинчи ўринга сазовор бўлган Ситора тиббий муассасанинг жаррохлик бўлимида ишлайди. У мураккаб жаррохлик амалиётларида шифокорларнинг яқин кўмакчиси.

Саҳифа ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

Огоҳлик — давр талаби

ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАСИДАН ВОЗ КЕЧИНГ!

Янги йил арафасида ота-оналар фарзандларига турли совғалар, ўйинчоқлар харид қилиш пайига тушишади. Бундай пайтларда айрим нафис ҳаққалак отган "ишбилармонлар" пиротехника буюмларини пуллаб, чўнтақ қаппайтиришга уринади. Лекин сиртдан беозор кўринган бу ўйинчоқлар бола соғлиғига, оилалар хотиржамлиғига зиён етказмаслиғига қафолат борми?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, пиротехника воситалари тез ёнадиган моддалардан тайёрланади ва уларнинг деярли барчаси ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган буюмлар ҳисобланади. Бу эса одамлар саломатлиғига, жамоат тартиби ва фуқароларнинг мол-мулкига жиддий зарар етказиши мумкин.

Мамлакатимизда портловчи ва захарли моддаларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш соҳасида хавфсизликни таъминлашни назорат қилиш ишлари тизимли асосда йўлга қўйилган. 2010 йил 22 сентябрда қабул қилинган "Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати би-

лан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, пиротехника воситаларини мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш, уларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишининг олдини олиш, пиротехника воситаларини қўллаган ҳолда маданий-кўнгличлар тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чораларини кучайтириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу қонун пиротехника буюмларининг ноқонуний айланиши ва улардан қонунга хилоф равишда

фойдаланишининг олдини олишга қаратилган давлат назоратини самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунга қарамай, мамлакатимизга пиротехника буюмларини олиб кириш, сотиш ва фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди. Шу боис, ички ишлар, давлат солиқ идоралари, Божхона қўмитаси ва жамоатчилик вакилларидан иборат махсус гуруҳлар иш-тироқида юртимиз ҳудудида пиротехника маҳсулотларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича тезкор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, чегара ҳудудларда ҳаракатланаётган автомашина ва йўловчилар, чегаралар яқинида жойлашган дўкон ҳамда савдо расталари, хонадон ва иншоотлар текширувдан ўтказилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси ахборот хизматидан маълум қилишларича, жорий йилнинг 11 ойи мобайнида мазкур йўналишда 54

божхона қоидабузарлиги аниқланиб, қиймати 17,1 миллион сўмлик 156 минг донадан зиёд пиротехника воситасининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Тошкент вилояти божхона бошқармасининг "Ғиштқўприк" чегара-божхона комплекси орқали мамлакатимизга кириб келаётган янгийўллик Э. Намозованинг ҳаракатлари божхоначиларда шубҳа уйғотди. Холислар иштирокида кўриқдан ўтказилганда, аёл курткасига салкам 360 дона пиротехника воситасини яшириб олгани маълум бўлди.

Мазкур комплекс ходимлари томонидан андижонлик М. Маъмурованинг қинғир қилмишлари ҳам фош этилди. Унинг қўл юклари божхона кўриқидан ўтказилганда, ярим килограмм пиротехника воситаси борлиги аниқланди.

Фарғона вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан Фарғона туманининг қўшни давлатга чегарадош ҳудудида Б.

Саломов бошқарувидаги "Тико" русумли автомашина текширилганда, 957 қути пиротехника воситаси ноқонуний равишда мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилаётгани аниқланди. Суриштирув пайтида 57 килограмм оғирликдаги пиротехника воситаси шахрихонлик Д. Норбековага тегишли экани маълум бўлди.

Ушбу ҳудудда яна бир фарғоналик Х. Юсуповнинг ҳам қинғир ишига чек қўйилди. Унинг бошқарувидаги автомашина кўздан кечирилганда, 2,5 минг донадан ортиқ қути пиротехника воситалари олиб кирилаётгани аниқланди.

Юқоридаги қоидабузарликларга эътиборсиз бўлмасдан инсон ҳаётига хавф солаётган пиротехника воситаларидан воз кечсаккина, кўнглисиз ҳолатларнинг олдини олишга эришамиз.

Беҳзод БОЗОРОВ,
ЎЗА.

Мутахассис маслаҳати

БОТУЛИЗМ ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ

Аҳоли ўртасида хонадон шароитида тайёрланган, сифати қафолатланмаган консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида овқатдан захарланишнинг энг оғир тури — ботулизм касаллиги учраб туради.

Уй шароитида консерва маҳсулотлари тайёрлашда ҳамма ҳам зарур технологик жараёнлар, санитария меъёрлари ва шахсий гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилмайди, натижада консервадаги кислородсиз шароитда ботулизм кўзгатувчиси спораларидан чиқиб, тез ривожланади ва захар (токсин) ишлаб чиқаради. Ботулизм билан зарарланган консерва маҳсулотларининг ташқи кўриниши ва таъмида деярли ўзгариш кузатилмайдди. Айрим ҳолатларда шиша идишнинг тунука қопқоғи "шишади". Ботулизмдан захарланган одамда касаллик белгилари икки соат ўтиб ёки саккиз-ўн кунга пайдо бўлади. Ҳолсизлик, кўнгли айниши, қусиш, қорин

соҳасида оғриқ пайдо бўлиши, жисмлар кўзига иккита бўлиб кўриниши (диплопия), ютиш ва гапириш қобилияти пасайиши, бўйин ва оёқ мушаклари заифлашиши касалликнинг клиник белгиларидир. Касалликни хонадон шароитида ўз билганича даволаш қатъиян ман этилади. Бундай вазиятда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак. Акс ҳолда, касалликнинг оғир кечиби, нафас етишмаслиги юзага келиши, беморнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин.

Ҳар қандай касаллик қаби, ботулизмнинг олдини олиш ҳам инсоннинг ўз қўлида. Хонадон шароитида бодринг, помидор, паттисон маринадлари, бақлажон икраси қаби консерва маҳсулотларини тайёрлаш тавсия

этилмайди. Чунки бундай шароитда тайёрланган консерва маҳсулотларининг сифатига ҳеч ким қафолат бера олмайди. Айнан шундай сифати қафолатланмаган, ёрликларга эга бўлмаган, бир сўз билан айтганда, истеъмол учун яроқсиз ҳисобланган консерва маҳсулотларини бозорлар, кўча-кўйларда ноқонуний савдо расталаридан сотиб олмаслик лозим. Хонадон шароитида томат, узум, шафтоли, ўрик меваси қиёмлари, бодринг, помидор, карамдан сирли идишларда тузламалар, мева қоқилари тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Айни кунларда халқимиз янги йил байрамини нишонлашга қизғин тараддуд кўрмоқда. Ана шундай байрам ва шодийналарни оила даврасида тўкин дастурхон атрофида нишонлаш яхши анъаналаримиздан ҳисобланади. Ўз навбатида ишлаб чиқарувчиларимиз ҳам халқимизнинг байрам дастурхо-

нига хилма-хил маҳсулотлар етказиб бериш мақсадида, кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Бугун юртимиздаги қайси бир савдо мажмуаси ва бозорга кирсангиз, улардаги маҳсулотларнинг хилма-хиллигини кўриб кўзингиз қувонади. Хусусан, гипермаркет, супермаркет ва минимаркет, бозорларда саноат усулида, технологик жараёнлар ҳамда белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқарилган консерва маҳсулотларининг барча турлари мавжуд. Ушбу маҳсулотларнинг асосий қисми мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва сифати мувофиқлик сертификати билан қафолатланган. Байрам дастурхонини безатиш учун ана шундай замонавий савдо масканларимизга ташриф буюриш мақсадга мувофиқдир. Сотиб олинган ҳар бир озиқ-овқатнинг сақланиш шароитига ва муддатига ҳам қатъий риоя этиш зарур. Истеъмол учун яроқлилик



муддати ўтиб кетган торт, пиширик ва бошқа қандолат маҳсулотлари ҳамда салатларни истеъмол қилиш инсон соғлиғи учун хавфли.

Ҳар биримиз ўзимиз ва оила аъзоларимиз соғлиғи учун масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Қамриддин БОҚИЕВ,
Республика Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази овқатланиш бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ

"Ўздавэнеггоназорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида ўтказилаётган текширишлар жараёнида хўжалик юритувчи субъектлари масъул шахсларнинг баъзи ҳолларда электр ускуналаридан фойдаланиш ва хавфсизлик қоидаларидан тўлиқ хабардор эмаслиги аниқланмоқда.

Ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, электр энергиясидан оқилона ва самарали фойдаланиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электр энергиясидан бесамар фойдаланиш ҳолатлари, электр қурилмала-

рининг белгиланган қоида талабларига зид ҳолатда бўлишининг олдини олиш мақсадида ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада "Истеъмолчилар электр қурилмаларидан фойдаланиш қоидалари"нинг 11-банди талабига асосан электр хўжалик бўйича жавобгар шахс тайинланиши лозим.

Электр ускуналари хавфсиз, ишончли ишлаши, оқилона сарф қилиниши таъминлаш, мавжуд қурилмаларни янги, замонавий технологиялар билан алмаштириш, ишлаб чиқаришда маҳсулот бирлигига сарф қилинадиган электр энергиясининг солиштирма меъёрларини ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш, ноанъанавий манбалардан фойдаланиш, шунингдек, электр энергияси захираларини аниқлаш бўйича чоратадбирлар режасини тузиш, истеъмол ҳисоботларини тайёрлаш, қурилмаларни белгиланган қоидаларга жавоб бе-

радиган техник ҳолатда сақлаб туриш талаб қилинади.

Шуларни инобатга олган ҳолда, ҳар бир раҳбар ўз тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасада электр хўжалик бўйича жавобгар шахс тайинлаши лозим. Бу билан хўжалик юритувчи субъектларда юзага келиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олди олинади.

Д. САЛИКОВ,
"Ўздавэнеггоназорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори.

Инвестиция дастури асосида жорий йилда Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмаси шошилич тиббий ёрдам ва жарроҳлик бўлимлари ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиника учун янги бинолар бунёд этилди.

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, халқимизга юқори сифатли, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш борасида

ПОЛИКЛИНИКАНИНГ
ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАРИ

кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тизимли равишда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эзгу мақсад йўлидаги бу иш-

лар самарасида кейинги йилларда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ошди, турли юқумли касалликларнинг олди олинди, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиб ўсиши таъминланди.

Каттақўрғондаги тиббий муассасалар янги биноларини фойдаланишга топшириш маросими-

да шулар ҳусусида сўз юритилар экан, ушбу иншоотлар 2016 йил — Соғлом она ва бола йили арафасида шаҳар аҳолиси учун ажойиб совға бўлгани таъкидланди.

— Ушбу муассасаларда "Баҳодир А" хусусий корхонаси томонидан 4 миллиард 750 миллион

сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, — дейди Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Суннатилла Усмонов. — Шунингдек, "Саломатлик-3" лойиҳаси асосида замонавий ташхис ва даволаш ускуналари ўрнатилди. Айниқса, 250 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиникада яратилган қўлайлик ва шароитлар беморларни тезкор текшириш ва уларга аниқ ташхис қўйиш имконини беради.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2015 йил 6 ноябрдаги 14-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг амал қилиши лицензиатларнинг ўз хоҳишига кўра тугатилган ҳамда хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тикланган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати

Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилишни тугатишни сўраб мурожаат этган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами
1	Тошкент шаҳри	Юнусобод тумани, 15-мавзе, 55-уй, 29-хонадон	"STOMA DID" МЧЖ	Ю-0711 29.09.2010 й. берилган. Амал қилиши 29.09.2015 йилда тугаган.
2	Тошкент шаҳри	Учтепа тумани, Чилонзор 12-мавзе, 50-уй, 26-хонадон	"SANJAR-LOR" МЧЖ	Ю-0476 27.02.2010 й. берилган. Амал қилиши 27.02.2015 йилда тугаган.
3	Тошкент вилояти	Зангиота тумани, Зангиота ҚФЙ, А.Темур кўчаси, 92-Б уй	"ДОКТОР ДИЛФАЙЗ-ШИФО" хусусий корхонаси	1537-00 23.10.2012 й. берилган
4	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри, М.Топволдиева кўчаси, 5-уй	"Ойбек санаторийси" МЧЖ	Ю-0831 31.01.2011 й. берилган
5	Наманган вилояти	Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 14-уй	"RED DELPHINE" хусусий корхонаси	ПЮ-0746 31.01.2011 й. берилган. Амал қилиши 28.10.2015 йилда тугаган.
6	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 413-уй	"Жаҳонгир ЛОР" хусусий корхонаси	2327-00 30.12.2013 й. берилган
7	Навоий вилояти	Қизилтепа тумани, Тошрабат кўрғони, "Қалъан-азизон" маҳалласи, Х.Хассон фуқаролар йиғини, Тошрабат кўчаси, 15-уй	"SAMARA END KO NAVOIY" МЧЖ	2380-00 11.02.2014 й. берилган

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тикланган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Почта ва тиббий фаолият манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Хоразм вилояти	Гурлан шаҳарчаси, П.Маҳмуд кўчаси, 2-А уй	"Содиқ-Махсум" хусусий корхонаси	1382-00 15.06.2012 й. берилган	Хоразм вилояти хўжалик судининг 2015 йил 12 октябрдаги 22-1505/8169-сонли ҳал қилув қарорига асосан лицензиянинг амал қилиши тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2015 йил 30 ноябрдаги 15-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг амал қилиши лицензиатларнинг ўз хоҳишига кўра тугатилган, вақтинча тўхтатилган ҳамда хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати

Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилишни тугатишни сўраб мурожаат этган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами
1	Тошкент шаҳри	Сергели тумани, Сергели 8-А-мавзе, 17-уй, 55-хонадон	"IDEAL MED SERVIS" МЧЖ	1025-01 28.08.2011 й. берилган
2	Тошкент шаҳри	Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино мавзеси, 2-уй	"MUNAVVAR-DENTA" МЧЖ	Ю-0763 30.11.2010 й. берилган
3	Андижон вилояти	Жалақудуқ тумани, Бештол ҚФЙ, Бештол МФЙ	"ZETA PLUS DENTA" хусусий корхонаси	Ю-1055 30.09.2011 й. берилган
4	Андижон вилояти	Шахрихон шаҳри, Р.Ядгаров кўчаси, 107-уй	"ДАРМОН ОРОМ ШИФО" хусусий корхонаси	Ю-0769 30.11.2010 й. берилган

Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилиши вақтинча тўхтатилган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Почта ва тиббий фаолият манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Тошкент шаҳри	Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 85-уй	"DOCTOR DJUMABAYEV" МЧЖ	6575-00 07.10.2014 й. берилган	2015 йил 10 ноябрдаги 14-сонли хатига асосан 10.11.2015 йилдан 10.05.2016 йилга қадар вақтинча тўхтатилди.
2	Фарғона вилояти	Олтиариқ тумани, "OIZILTEPA" ҚФЙ, Қизилтепа кишлоғи, А.Темур кўчасида	"Шифобахш сув" хусусий фирмаси	2007-00 26.06.2013 й. берилган	2015 йил 15 ноябрдаги 4-сонли хатига асосан 15.11.2015 йилдан 01.03.2016 йилга қадар вақтинча тўхтатилди.
3	Фарғона вилояти	Олтиариқ тумани, Қизилтепа ҚФЙ, Сихатгоҳ кўчаси	"МИРЗАЖАЛИЛ ШИФО" хусусий даволаш маскани	2490-00 27.05.2014 й. берилган	2015 йил 13 ноябрдаги 7-сонли хатига асосан 15.11.2015 йилдан 01.03.2016 йилга қадар вақтинча тўхтатилди.
4	Наманган вилояти	Наманган шаҳри, 5-кичик тумани, 1-А уй	"MIRZO STOMA SERVIS" МЧЖ	20.06.2011 й. берилган	2015 йил 16 ноябрдаги 6-сонли хатига асосан 12.11.2015 йилдан 6 ойга вақтинча тўхтатилди.
5	Навоий вилояти	Кармана тумани, Фитрат кўчаси, 6-уй	"Гибёх" хусусий корхонаси	2099-00 16.08.2013 й. берилган	Ўз аризасига асосан 01.10.2015 йилдан 6 ойга вақтинча тўхтатилди.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра лицензиянинг амал қилиши вақтинча тўхтатилган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Қашқадарё вилояти	Китоб тумани, Китоб Дехқончилик саноат фирмаси, Толзор кишлоғида	"Табобат" хусусий шифохонаси	Ю-1110 15.11.2011 й. берилган	Қашқадарё вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 14 октябрдаги 18-1504/22712-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши 3 ойга вақтинча тўхтатилди.

101 – пожарная служба предупреждает

ОГНЕСТОЙКОСТЬ ЗДАНИЙ И СООРУЖЕНИЙ

Строительство объектов долговечных требует внимания не только к механической прочности стен и перекрытий, но и к обеспечению устойчивости конструкций к внешним воздействиям среды (низкие температуры, коррозия). Грамотный проект предполагает учет многих факторов сопутствующих "механическому" сопряжению. Безусловно, чтобы исключить прежде-

временную усталость материала, приводящую к критическим необратимым деформациям, в расчет необходимо принимать и предельно допустимые нагрузки, и "погодные" условия эксплуатации. Вместе с тем, важным компонентом, учесть который необходимо уже на этапе планирования помещений, является пожароопасность.

При проектировании зданий и сооружений, наряду с расче-

том на прочность, жесткость и трещиностойкость, необходимо выполнять расчет и на огнестойкость. Экспериментальные исследования по этой проблеме начали проводить еще в середине прошлого века во многих развитых странах. В результате теоретического обобщения большого количества опытных данных были разработаны методы расчета пределов огнестойкости различных железобетон-

ных конструкций, которые учитывали все основные факторы реально влияющие на данный показатель.

В условиях пожара в железобетонных конструкциях происходит необратимое снижение прочности бетона и арматуры, которое имеет существенное значение для определения предельного состояния и потери функций конструкции в нагретом при пожаре и охлажденном состоянии.

Установление пожарной сигнализации в организациях, пред-

ле пожара состояниях. В связи с этим ШНК-2-01 подразделяет здания и сооружения по степени огнестойкости, классам конструктивной и функциональной пожарной опасности.

Г. КУРБАНОВА,
младший капитан,
начальник смены
22-военизированной
противопожарной части
города Ташкента.

ОСОБЕННОСТИ ПОЖАРНОЙ СИГНАЛИЗАЦИИ

Пожарная сигнализация служит для своевременного оповещения возникновения пожара или предпожарной ситуации (задымление, наличие газа, увеличение температуры). Ее использование помогает принимать оперативные меры по устранению возгорания или его предупреждению, что в конечном итоге позволяет сохранить

имущество, а порой и жизнь. Сегодня в целях обеспечения безопасности пожарная сигнализация устанавливается практически во всех организациях, складах, в квартирах и загородных домах – как автономно, так и в комплексе с охранной сигнализацией.

Монтаж пожарной сигнализации как правило, начинается с установки оповещательных при-

боров – первичных средств обнаружения пожара.

Пожарные извещатели могут быть пассивными (реагируют на тревожный сигнал, который создается в случае пожара) и активными (вырабатывают сигнал и реагируют на изменение его параметров), а также звуковые и световые.

Пожарные сигнализации на объектах с потенциально высо-

кой вероятностью возникновения пожара могут включать системы пожаротушения, которые позволяют начать ликвидацию пожара сразу после оповещения о его возникновении и до прибытия пожарной бригады, частично или полностью устранить очаг возгорания.

Установление пожарной сигнализации в организациях, пред-

приятиях и в квартирах, а также на дачных участках оптимально решают проблему безопасности нашего имущества и жизни.

А. БАЙИРБЕКОВ,
сержант,
начальник смены 20-
военизированной
противопожарной
части города Ташкента.

Пойтахтимизда журнал-листлар учун ОИВ/ОИТС инфекцияси тарқалишининг олдини олишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Республика ОИТСга қарши кураш маркази томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистон Республикасида ОИВ ва ОИТС инфекцияси тарқалишига қарши курашишда доимий мулоқот ҳамда ижтимоий шерикликни кенгайти-

ДОЛЗАРБ МАВЗУ ДОИРАСИДА

риш ва кучайтириш" лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Семинарда Президентимиз раҳнамолигида санитария-эпидемиология муҳити барқарорлигини сақлаш, тиббий-профилактика ишларини тизимли ташкил этишга қаратилаётган доимий эътибор, ОИВ ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш, халқимиз саломатлигини асрашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Таъкидлаш муҳимки, мамлака-

тимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган мақсадли тадбирлар аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу борада турли юқумли касалликлар, жумладан, ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш ва бартараф этишга доир давлат дастурлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

"Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқаради-

ган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун ва давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида бу борада ишлар кўлами янада кенгайди.

ОИВ инфекцияси ва бошқа турдаги юқумли касалликларнинг ол-

дини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, уларга соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларни етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта.

Ўқув-семинарда ОИВ инфекцияси профилактикаси, уни эрта аниқлаш ва даволаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Мутахассислар журналистларга соҳа бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш бўйича тавсиялар берди.

Ў.А.



**«Ўзбекистонда
sog'liqni saqlash –
Здравоохранение
Узбекистана»
газетаси доимо
Сиз билан бирга!**



**Азиз юртдошлар!
Янги – 2016 йил
– Соғлом
она ва бола
йили**
**барчамизга тубрак
бўлсин!
Сизларга
мустақкам соғлиқ,
оилангизга
тинчлик-
хотиржамлик
ҳамда мустақил
Ўзбекистонимиз
истиқболи
йўлидаги эзу
ишларингизда
улкан зафарлар ёр
бўлсин, деб
қоламиз.**



ЯНВАРЬ	ФЕВРАЛЬ	МАРТ	АПРЕЛЬ
Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30
МАЙ	ИЮНЬ	ИЮЛЬ	АВГУСТ
Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31
СЕНТЯБРЬ	ОКТЯБРЬ	НОЯБРЬ	ДЕКАБРЬ
Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31

Газетанинг навбатдаги сони 8 январда чиқади.

<p>Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги</p>	<p>Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ Нашр учун масъул: Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА</p> <p>Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.</p>	<p>Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.</p> <p>Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.</p> <p>Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.</p>	<p>Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p> <p>Адади 4223 нусха. Буюртма Г-1258.</p> <p>Босмахонага топшириш вақти – 20.00.</p>
--	--	---	--

